**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Бухоро давлат университети**
**Ўзбек адабиёти кафедраси**

# АДАБИЁТШУНОСЛИККА КИРИШ
**фанидан ўқув-усулий қўлланма**

**Бухоро – 2006**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Бухоро давлат университети**
**Ўзбек адабиёти кафедраси**

# АДАБИЁТШУНОСЛИККА КИРИШ
**фанидан ўқув-усулий қўлланма**

**Тузувчи: Нодира АФОҚОВА, ф.ф.н.**

**Бухоро - 2006**

Ушбу қўлланма таълим йўналишларига мўлжалланган бўлиб, талабаларга адабиётшунослик асосларидан билим бериш ва адабиётшуносликнинг таълим йўналишидаги муҳим ўрни ҳақида маълумотлар беради. Бу фан филология факультетларида ўқитиш мўлжалланган адабиёт ва адабиётшунослик йўналишидаги барча фанларга фундамент сифатида роль ўйнайди.

Мазкур қўлланмада фанни ўқитишдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар, талабалар билимига қўйиладиган талаблар, фаннинг бошқа фанлар билан алоқаси ҳамда фаннинг ўқитилишда қўлланадиган воситалар, жиҳозлар, метод ва технологиялар акс этган. Шунингдек, қўлланмада таълим олувчиларнинг мустақил билим эгаллаш ва уни ўзлаштириш, ўқитиш жараёнини интерактив методлар асосида ташкил этишга, мавзуларнинг бир хил талқинда такрорланмаслигига эътибор берилган.

**Тузувчи:** **Н. АФОҚОВА, ф.ф.н.**

**Тақризчилар:** **М.БАҚОЕВА, ф.ф.д**
**Ғ. МУРОДОВ., ф.ф.н., доцент,**

**«Адабиётшуносликка кириш» курсининг асосий мақсад ва вазифаси.**

Олий ўқув юртларининг филология факультетларида икки адабий-назарий курс ўқитилади: «Адабиётшуносликка кириш» ҳамда «Адабиёт назарияси.

«Адабиётшуносликка кириш» (дастлабки курс) талабаларни адабиётнинг умумий хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муҳим адабий-назарий тушунчалар билан, бадиий асарларнинг ўзига хос хусусиятлари, адабиёт тараққиётининг қонуниятлари билан таништиради. Бу курснинг асосий мақсади – филология факультетларининг ўқув режаларига киритилган адабиётшуносликка оид фанларни чуқур тушунишга, шу фанлар доирасида ўтиладиган бадиий асарларни мустақил таҳлил эта билишга ўргатишдир. Умуман, филология йўналишидаги мутахассис бадиий адабиёт намуналарини тўғри тушунмоғи ва уни баҳолай билмоғи учун бу соҳадаги асосий назарий тушунчалар билан таниш бўлмоғи лозим.

Бу фанни ўрганишда қуйидаги вазифаларга алоҳида диққат қилинади:

А) бадиий адабиёт ва унинг табиатини ўрганишга;

Б) адабий жараённи, адабиёт тараққиёти тенденцияларини, қонуниятларини чуқур ўрганишдан, улардан адабий ҳаракатчиликни янада ривожлантириш учун зарур бўлган хулосалар чиқаришга;

В) китобхоннинг эстетик дидини шакллантиришга;

Г) тарихий шароит билан узвий бирликда олинган адабий маҳсулот ва унинг яратилиш жараёнини таҳлил этишга;

Д) классик асарлар ва классик ёзувчилар ижоди таҳлил жараёнида бадиий адабиётнинг қонуниятлари, ўзига хослигини ўрганишга;

Е) бадиий ижод билан бевосита шуғулланишга.

**«Адабиётшуносликка кириш» фани бўйича талабалар билимлари ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар.**

Талабалар «Адабиётшуносликка кириш» фани бўйича берилган билимларни ўзлаштиришлари, яъни адабиётшуносликка оид дастлабки адабий-назарий тушунчалардан хабардор бўлишлари; олган назарий билимларини амалиётга, яъни бадиий материалга тадбиқ қила билишлари – бадиий асарни илмий таҳлил эта олишлари лозим. «Адабиётшуносликка кириш» фани бўйича ўқиш учун тавсия этилган илмий адабиётлар билан танишиб, турли адабий-назарий фикрлар баён этилган мазкур адабиётларга танқидий ёндаша билишлари талаб этилади. Шунингдек, талабалар ўқиш учун тавсия этилган бадиий асарларни ўқиб-ўзлаштиришлари, ёдлаш учун тавсия этилган матнларни ёдлаб, ифодали ўқиш қонуниятларига кўра айтиб беришлари шарт. «Адабиётшуносликка

кириш» фани талабаларда ўз фикрини ёзма равишда изчил ва мустақил баён этиш малакасини шакллантиришни ҳам кўзда тутади.

**«Адабиётшуносликка кириш» фанининг бошқа фанлар билан алоқаси.**

«Адабиётшуносликка кириш» фани, энг аввало, борлиқ тўғрисидаги энг умумий қонуниятларга асосланади ва шунга кўра фалсафа фани билан боғланади. Адабиёт ва адабиётшунослик усткурма ҳодисаси, жамиятнинг мафкўра соҳасига тегишли бўлганлигидан тарих, сиёсатшунослик, диншунослик фанлари эришган ютуқларга таянади. Адабиётшуносликнинг объекти бўлган бадиий адабиёт гўзаллик ва ахлоқ муаммоларидан баҳс этади. Шу нуқтаи назардан мазкур фан этика ва эстетика фани билан чамбарчас боғлангандир. Адабиётшунослик психология фани эришган ютуқларга таянади ва ўзи ҳам бу фанни янгиликлар билан бойитади, зеро, адабиёт – инсоншуносликдир.

**Фанни ўқитишдаги янги технологиялар.**

«Адабиётшуносликка кириш» курсида турли плакатлардан, тарқатма материаллардан, компьютердан, турли диафильмлардан, схема ва жадваллардан фойдаланиш мумкин.

**Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалари.**

«Адабиётшуносликка кириш» фани I курс мобайнида 134 соатда (74 соат аудитория, 60 соат мустақил ўқиш) ўтилади.

**Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми.**

Фан II семестр мобайнида: ҳафтасига 2 соат ўтилади. Жами маърузалар – 30 с., амалий машғулотлар – 22 с., семинарлар – 22 с., мустақил ўқиш – 60 с. Ҳар семестрда 2та ЖБ (15Қ15), 1та ОБ (30), 1та ЯБ (15), 2та МТБ (15Қ10) қўйилади.

**Рейтинг жадвали.**

Ҳар семестр алоҳида-алоҳида – 100 баллик система асосида якунланади.

ЖБда максималл - 30 балл, саралаш балли - 16,8 балл.

ОБда максимал – 30 балл, саралаш балли – 18,6 балл.

ЯБда максимал – 15 балл, саралаш балли – 8,5 балл.

МТБда максимал – 25 балл, саралаш балли –14 балл

86 баллдан 100 баллгача «5» баҳо
71 баллдан 85 баллгача «4» баҳо
56 баллдан 70 баллгача «3» баҳо

**МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

| Т\|р | Боблар бўйича маърузалар амалий машғулотлар номи ва мазмуни | Жами ауд. сони | Маърузалар соати | Амалий машғулотлар | Семинарлар | ЖН,ОН ва ЯН | Мустақил таълим соати | Ўтиладиган вақти | Сиртқи бўлим | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | Лекция | Амалий маш |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
| I | *Кириш.* | | | | | | | | | |
| 1. | Адабиётшунослик ҳақида маълумот. Адабиётшунослик тарихидан | | 2 | | 2 | | | | | |
| II | *Бадиий адабиётнинг умумий хусусиятлари (1-бўлим)* | | | | | | | | | |
| 2. | Бадиий адабиёт – ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида Бадиий адабиёт – сўз санъати | | 2 | | 2 | | | | | |
| 3. | Бадиий адабиётда мазмун ва шакл бирлиги | | 2 | | 2 | | | | | |
| 4. | Образлилик ва бадиий образ ҳақида маълумот. Бадиий образнинг ўзига хос хусусиятлари | | 2 | 2 | | 1-ЖН | | | | |
| 5. | Образ, характер, тип | | | | | | | | | |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Бадиий адабиётда типиклаштириш муаммоси | | 2 | | 2 | | | | | |
| 6. | Бадиий адабиётнинг ғоявийлиги; халқчиллиги, миллийлиги ва байналмилаллиги | | 2 | | 2 | | | | | |
| III | *Бадиий асар ҳақида маълумо (2-бўлим)* | | | | | | | | | |
| 7. | Бадиий асарнинг мавзу ва ғояси | | 2 | | 2 | | | | | |
| 8. | Бадиий асарда сюжет ва композиция. | | 2 | 4 | | 2-ЖН 1-ОН | | | | |
| 9. | Бадиий асар тили. Бадиий нутқнинг ўзига хос хусусиятлари | | 2 | 4 | | | | | | |
| 10 | Бадиий асар матнида махсус тасвирий воситалар. | | 2 | | | | | | | |
| 11 | Шеър тузилиши. Ритм ва вазн. Аруз ҳақида маълумот. | | 2 | 2 | 2 | 3- | | | | |

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | ЖН | | | | |
| 12 | Бармоқ ва сарбаст ҳақида маълумот. Банд ва қофия. | | 2 | 2 | 2 | | | | | |
| IY | *Адабиёт тараққиётининг қонуниятлари (3-бўлим)* | | | | | | | | | |
| 13 | Адабий турлар ва жанрлар. Эпос ва унинг жанрлари | | 2 | 2 | 2 | 4-ЖН | | | | |
| 14 | Лирика ва унинг жанрлари Драма ва унинг жанрлари | | | | | | | | | |
| | Бадиий услуб. Адабий оқим ва йўналишлар. | | 2 | 2 | 2 | | | | | |
| 15 | Бадиий асарнинг комплекс таҳлили | | 2 | 4 | 2 | 2-ОН 5-ЖН | | | | |

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ
**(жами 30 соат)**

**1-мавзу. Кириш. Адабиётшунослик ҳақида умумий маълумот. Адабиётшуносликнинг тарихий тараққиёти.** Адабиёт ва

адабиётшунослик тушунчалари. «Адабиёт» ва «литература» терминлари. Бадиий адабиёт ва уни ўрганишнинг аҳамияти. «Адабиётшунослик» атамасининг келиб чиқиши. Адабиётшунослик фанининг объекти. Адабиётшуносликнинг асосий соҳалари: адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқид. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳалари: библиография, текстология, историография, адабиётшунослик методологияси, адабиёт ўқитиш методикаси. Фаннинг мақсад ва вазифалари. Адабиётшуносликнинг бошқа фанлар билан алоқаси. Адабиётшунослик фанининг шаклланиши ва унинг адабиёт ривожига боғлиқлиги. Аристотель ва унинг «Поэтика» асари. Антик даврда адабиётшунослик тараққиёти. Уйғониш даври адабиётшунослиги. Классицистларнинг адабий-назарий қарашлари. Дидро ва Лессингнинг адабий-танқидий қарашлари. Рус революцион-демократик танқидчилиги. В.Белинскийнинг адабий-танқидий, адабий-назарий қарашлари. Н.Чернишевскийнинг адабиётшуносликка оид қарашлари. XX асрда ғарбдаги адабиётшуносликка оид қарашлар.

Шарқ мумтоз адабиётида адабий-танқидий қарашлар. Адабий анжуманлар, йиғинлар ва адабий суҳбатлар. Бадиий асарлар таркибидаги адабий-танқидий, адабий-назарий қарашлар. Тазкиралар. Тарихий-мемуар асарлар. Махсус назарий рисолалар: «ҳадойиқ ус-сеҳр» (Рашидиддин Ватвот), «Рисолаи аруз» (Жомий), «Бадоеъ ус-санойиъ» (Атоуллоҳ Ҳусайний), «Фуннун ул-балоға» (Аҳмад Тарозий), «Мезон ул-авзон» (Алишер Навоий), «Мухтасар» (Бобур). XX асрда адабиётшуносликнинг тараққиёти. Фитрат, А. Саъдий, И. Султон ва бошқалар. Адабиётлар (3-19, 60, 77, 80, 81).

**2-мавзу. Бадиий адабиёт ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида. Бадиий адабиёт – сўз санъати.** Ижтимоий турмуш ва ижтимоий онг. Ижтимоий онгнинг турли кўринишлари. Адабиёт – ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида. Адабиётнинг ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидан фарқи ва улар ичида тутган ўрни. Инсон – бадиий адабиётнинг бош тасвир объекти. Адабиёт – инсоншуносликдир. Адабиёт ва жамият. Адабиётнинг ижтимоий аҳамияти. Санъат тушунчаси. Санъат ва унинг турлари. Бадиий адабиёт – сўз санъати. Бадиий адабиётнинг санъатнинг бошқа турларидан фарқи, ўзига хослиги. Бадиий адабиётнинг имкониятлари. Алломалар сўз санъати ҳақида, унинг имкониятлари ҳақида. Адабиётлар (3-15, 15, 17, 19, 20, 28, 30, 53).

**3-мавзу. Бадиий адабиётда мазмун ва шакл бирлиги.** Мазмун ва шакл тушунчаларининг таърифи. Мазмун ва шакл – фалсафий тушунча сифатида. Бадиий адабиётнинг мазмуний томонлари ва шаклий томонлари. Мазмун ва шаклнинг ўзаро алоқадорлиги. Бадиий адабиётда мзмуннинг шаклга ўтиб туриши. Бадиий адабиёт – мазмун ва шакл бирлигининг олий намунаси. Мазмуннинг бирламчилиги ва консервативлиги. Шаклнинг нисбий мустақиллиги. Адабиётлар (3-15, 20-25).

**4-мавзу. Образлилик ва бадиий образ ҳақида маълумот. Бадиий образнинг ўзига хос хусусиятлари.** Бадиийлик ва образлилик. Образлилик тушунчаси. Образ терминининг келиб чиқиши. Образ тушунчаси. Физик образ ва бадиий образ. Фандаги образ ва бадиий образ. «Образ» терминининг кенг ва тор маъноси. Бадиий образнинг турли таърифлари. Бадиий образнинг ўзига хос хусусиятлари. Бадиий образларнинг турли томондан таснифлари. Лирик образ ва унинг ўзига хослиги. Эпик образ ва унинг ўзига хослиги. Драматик образ ва унинг ўзига хослиги. Эпик образ ва лирик образ. Адабиётлар (3-15, 25, 28, 33).

**5-мавзу. Образ, характер, тип. Бадиий адабиётда типиклаштириш муаммоси.** Бадиий асарда образ. Персонаж ва образ тушунчалари. Характер тушунчаси. Бадиий образнинг характер даражасига чиқиши. Харктер яратишда муаллиф характеристикаси ва психологик тасвир. «Тип» термини. Тип – бадиий образнинг энг олий намунаси. Жаҳон адабиётида яратилган характерлар ва типлар. Типиклаштириш тушунчаси. Умумлаштириш ва индивидуаллаштириш. Ҳаёт – типиклик манбаи. Ижобий қаҳрамонни типиклаштириш. Сатирада типиклаштириш. Типик характер ва типик шароит. Характер ва шароитларни тарихий-социал тушуниш зарурияти. Умумлаштириш асосида образ яратиш. Прототип асосида образ яратиш. Образли тафаккур ва бадиий тўқима. Типиклик. Фантастик асарлар ва типиклик муаммоси. Адабиётлар (3-15, 17, 20, 26, 27, 28, 34, 35, 46, 55, 57, 78).

**6-мавзу. Бадиий адабиётнинг ғоявийлиги; халқчиллиги, миллийлиги ва байналмилаллиги.** Бадиий адабиётнинг ғоявийлиги тушунчаси. Тенденциозлик. Синфийлик ва партиявийлик ҳақидаги тушунчаларни танқид. Бадиий адабиётнинг халқчиллиги. Бадиий адабиётнинг умуминсонийлиги ва миллийлиги. Ёзувчининг дунёқараши ва бадиий адабиётнинг ғоявийлиги. Истиқлол ва адабиёт ҳамда адабиётшунослик. Истиқлол – адабиётшунослик тараққиётидаги янги тарихий контекст. Маънавият ва маърифат. Истиқлол ва мафкўра. Истиқлол ва адабиёт. Миллий қадриятларга муносабат. Ўтмиш миллий маданий, адабий меросга муносабат. Жаҳон адабиёти ва адабиётшунослиги. Ўзбек адабиётшунослигининг янги уфқлари. Адабиётлар (1-15, 31, 53, 54, 58).

**7-мавзу. Бадиий асарнинг мавзу ва ғояси.** Бадиий асар ҳақида умумий маълумот. Мавзу ҳақида тушунча. Ёзувчининг мавзу танлаши. Тематика тушунчаси. Ғоя ҳақида тушунча. Ёзувчи бадиий ижодининг ягона ғоявий-тематик асоси. Асарнинг асосий ва объектив ғояси. Лейтмотив тушунчаси. Мавзу ва ғоянинг ўзаро алоқадорлиги. Адабиётлар (3-15, 20, 23, 33, 34).

**8-мавзу. Бадиий асарда сюжет ва композиция.** Сюжет ҳақида умумий тушунча. Сюжет ва фабула. Ҳаёт материали ва сюжет. Конфликт – сюжетни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида. Конфликт турлари. Сюжет

элементлари: экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация, ечим. Пролог ва эпилог. Сайёр сюжетлар. Композиция ҳақида тушунча. Композицион воситалар: асар номи, эпиграф, лирик чекиниш, киритма эпизодлар, пейзаж, портрет, бадиий «ҳошия» ва бадиий «башорат», бадиий интерьер, бадиий деталь. Сюжет ва композициянинг ўзаро муносабати. Адабиётлар (3-15, 27, 33, 35).

**9-мавзу. Бадиий асар тили. Бадиий нутқнинг ўзига хос хусусиятлари.** Тил ҳақида умумий тушунча. Тил – бадиий адабиётнинг биринчи элементи. Умумхалқ тили, адабий тил ва бадиий тил. Тилнинг махсус лексик ресурслари (архаизм, историзм, неологизм, профессионализм, диалектизм, варваризм, вульгаризм). Сўзларнинг маъно ва шакл муносабатига кўра алоҳида турлари ва уларнинг бадиий асардаги ўрни. Бадиий нутқ - энциклопедик нутқ. Бадиий услубнинг тилнинг бошқа услубларидан фарқи. Бадиий нутқнинг ўзига хос хусусиятлари (образлилик, тасвирийлик, ҳиссийлик, таъсирдорлик, лаконизмлик, афористиклик). Муаллиф нутқи тушунчаси. Муаллиф ва ровий. Муаллиф нутқининг вазифалари. Муаллиф интонацияси. Персонажлар нутқи – характерларни индивидуаллаштириш ва типиклаштириш воситаси сифатида. Персонажлар нутқига муаллифнинг муносабати. Персонажлар нутқи бадиий тасвирнинг алоҳида предмети сифатида. Монолог ва диалоглар.Характеристика ва унинг шакллари. Адабиётлар (3-15, 23, 26, 27, 28, 35, 50, 53, 55, 73, 74, 78).

**10-мавзу. Бадиий асар матнида махсус тасвирий воситалар.** Бадиий асарда сўзларнинг ўз ва кўчма маъноларда қўлланиши. Бадиий санъатлар ҳақидаги асарлар. Махсус бадиий-тасвирий воситалар: ўхшатиш, сифатлаш, метафора (истиора), муболаға, жонлантириш, метонимия, синекдоха, ирония, талмиҳ. Мумтоз адабиёт бағрида қолиб кетган бадиий санъатлар. Ғарб адабиётшунослигида бадиий санъатлар. Бадиий асар поэтик синтаксиси. Поэтик синтаксис тушунчаси. Услуб ва поэтик синтаксис. Бадиий тилда стилистик фигуралар: турли такрорлар (анафора, эпифора, асиндентон, полисиндентон, илтизом, радд ва унинг кўринишлари, мисралар такрори), инверсия, жим қолиш, тадриж, тазод, риторик сўроқ, риторик мурожаат. Адабиётлар (3-15,23, 26, 76-83).

**11-мавзу. Шеър тузилиши. Ритм ва вазн. Аруз ҳақида маълумот.** «Шеър» терминининг икки маъноси. Бадиий нутқнинг икки кўриниши: наср ва назм. Ритм. Ритмни ҳосил этувчи унсурлар. Ҳижо тушунчаси. Шеърий вазн ва унинг тил хусусиятларига боғлиқлиги. Жаҳон шеърияти вазний системалари. Ўзбек шеърияти вазний системалари. «Аруз» терминининг маънолари. Арузнинг пайдо бўлиши. Аруз ҳақидаги асарлар. Туркий арузнинг ўзига хослиги. Аруз ҳақида туркий тилда ёзилган асарлар. XX асрда арузга муносабат. Аруз вазни ҳақида маълумот. Арузда ҳижо (чўзиқ, қисқа ва ўта чўзиқ) тушунчаси. Ҳижо ва жузв, эски аруз ва янги аруз. Рукн тушунчаси. Аслий рукнлар. Фаръий рукнлар (зиҳофлар). Баҳр тушунчаси. Баҳрлар сонининг турли-туманлиги сабаби. Асосий

баҳрлар ва уларнинг таснифи. Туркий шеъриятда кўп қўлланадиган баҳрлар. Арузда доиралар. Махсус вазнга эга бўлган жанрлар. Адабиётлар (3-15,36, 38. 41, 42, 45-48, 49, 51-55).

**12-мавзу. Бармоқ ва сарбаст ҳақида маълумот. Банд ва қофия.** Бармоқ вазни тарихидан. Бармоқ вазни ҳақида маълумот. Турoқ. XX аср бошларида аруздан бармоққа ўтилиши. Адабиётшуносликда сарбаст ҳақидаги қарашлар ва уларни танқид. Сарбаст тарихидан. Сарбаст ҳақида маълумот. Қофия. Мумтоз қофия ва замонавий қофия. Қофия таърифлари. Қофиянинг аҳамияти. Илми қофия ҳақида маълумот. Мумтоз қофия унсурлари: ўзак қофия унсурлари, қўшимча қофия унсурлари. Қофия санъатлари. Замонавий қофия ҳақида маълумот. Замонавий қофия таснифлари. Сажъ. Оқ шеър. Банд – ритмни ҳосил этувчи унсур сифатида. Аруз, бармоқ ва сарбаст вазнидаги шеърларда банд. Шеърий банд ва жанрлар муносабати (мусамматлар, таржеъбанд ва таркиббанд) Анжамбеман (поэтик кўчим). Банд ва поэтик синтаксис. Радиф ҳақида маълумот.Адабиётлар (3-15, 37-40, 42-44, 46, 47, 49, 51-55, 58, 76, 77, 78, 80).

**13-мавзу. Адабий турлар ва жанрлар. Эпос ва унинг жанрлари.** Адабий тур тушунчаси. Уч адабий турнинг бир-биридан фарқи. Адабий турлар чегараларининг нисбийлиги. Эпос ҳақида маълумот. Эпоснинг ўзига хос хусусиятлари. Қадимги эпос ва замонавий эпос. Эпик тур жанрлари: ҳикоя, новелла, қисса, роман. Роман хиллари. Эпопея. Роман – аср жанри сифатида. Адабиётлар (3-17, 20, 21, 55, 57, 68, 60-72).

**14-мавзу. Драма, лирика ва унинг жанрлари.** «Драма» терминининг икки маъноси. Драма – адабий тур сифатида. Драматик конфликт. Драматик турнинг алоҳида шакли. Драматик тур жанрлари: драма, комедия ва трагедия. Лирика ҳақида маълумот. Лириканинг ўзига хос хусусиятлари. Лирик тур жанрлари (фард, рубоий, туюқ, қитъа, ғазал, қасида, мусаммат, таржиъбанд, таркиббанд, марсия, мустазод, сонет, элегия, ода, эпиграмма). Адабиётшуносликда лиро-эпик тур ҳақидаги қарашлар. Лиро-эпик турнинг ўзига хос хусусиятлари. Лиро-эпик тур жанрлари. Достон. Шеърий роман ва достон. Халқ оғзаки ижодида ва ёзма адабиётда достон жанри, уларнинг муштараклиги ва тафовутлари. Баллада жанри. Масал жанри. Адабиётлар (3-17, 20, 21, 55, 57, 60-72).

**15-мавзу. Бадиий услуб. Адабий оқим ва йўналишлар**Адабий оқим ва йўналишлар бўйича умумий тушунча. Адабиёт тарихидаги турли оқимлар: классицизм, сентиментализм, символизм, натурализм, модернизм, тасаввуф, жадидизм. Ижодий метод тушунчаси. Романтизм ва реализм. Бадиий услуб. Адабиётлар (3-15).

## СЕМИНАРЛАР ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИ

## Семинарлар мавзулари.

### 1-мавзу. Ўзбек адабиётшунослигида адабий-танқидий қарашлар тарихи (2 с.)

**Режа:**

1. Ўтмиш адабий танқиди ва адабиётшунослигининг ифодаланиш ўзига хос хусусиятлари.
2. Тазкиралар ҳақида маълумот.
3. Дебочаларда адабий-танқидий қарашлар.
4. Бадиий асарлар матнида адабий-танқидий, илмий-назарий фикрлар баёни.
5. Илми сегонага бағишланган махсус рисолалар.
6. XX асрда адабиётшунослик тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари.

Адабиётлар (3-19, 60, 77, 80, 81).

### 2-мавзу. Бадиий адабиёт – сўз санъати (2 с.)

**Режа:**

1. Бадиий адабиёт – ижтимоий онг шаклларидан бири.
2. Санъат ва унинг турлари. Санъат турлари ичида бадиий адабиётнинг ўрни.
3. В.Белинский бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.
4. Фитратнинг бадиий адабиёт ҳақидаги қарашлари.
5. Бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари.

Адабиётлар (3-15, 15, 17, 19, 20, 53).

### 3-мавзу. Бадиий адабиётда мазмун ва шакл бирлиги (2 с.)

**Режа:**

1. Мазмун ва шакл – фалсафа категорияси сифатида.
2. Бадиий адабиётнинг мазмуний ва шаклий томонлари.
3. Бадиий адабиёт – мазмун ва шакл бирлигининг олий намунаси сифатида.
4. А. Қаҳҳорнинг «Асрорбобо» ҳикоясида мазмун ва шакл бирлиги.

Адабиётлар (3-15, 20-25).

### 4-мавзу. Бадиий адабиётда типиклик ва типиклаштириш (2 с.)

**Режа:**

1. Типиклаштириш тушунчаси. Умумлаштириш ва индивидуаллаштириш.
2. Ижобий қаҳрамонни типиклаштириш.
3. Сатирада типиклаштириш.
4. Типик характер ва типик шароит.
5. Типиклик масаласини ўзингиз ўқиган бирор асар мисолида тушунтиринг.

Адабиётлар (3-15, 17, 20, 27, 55).

## 5-мавзу. Бадиий адабиётнинг ғоявийлиги (2 с.)

**Режа:**

1. Бадиий адабиётнинг ғоявийлиги ҳақида маълумот. Ёзувчининг дунёқараши ва ғоявийлик.
2. Бадиий адабиётнинг тенденциозлиги.
3. Бадиий адабиётнинг халқчиллиги.
4. Бадиий адабиётнинг умуминсонийлиги ва миллийлиги.
5. Адабиётнинг синфийлиги, партиявийлиги каби қарашларни танқид.
6. Истиқлол даври адабиётшунослиги тараққиёти тенденциялари.

Адабиётлар (1-15, 31, 53, 54, 58).

## 6-мавзу. Бадиий асарнинг мавзу ва ғояси (2 с.)

**Режа:**

1. Мавзу ҳақида маълумот.
2. Ғоя ҳақида тушунча.
3. Мавзу ва ғоя бирлиги.
4. Фитратнинг илмий қарашларида мавзу ва ғоя тушунчаси.
5. Ойбек ижодининг мавзу ва ғоялари.

Адабиётлар (3-15, 20, 23, 33, 34).

## 7-8-мавзу. Шеърий вазнлар. (4 с.)

### 1-соат. Аруз вазни (2 с.).

**Режа:**

1. Шеърий вазнлар ҳақида тушунча.
2. Аруз вазнининг хусусиятлари.
3. Аруз вазнида ҳижо тушунчаси.
4. Арузда рукн тушунчаси.
5. Арузда баҳр тушунчаси.
6. Арузда вазнни аниқлаш.

Адабиётлар (3-15,36, 38. 41, 42, 45-48, 49, 51-55).

### 2-соат. Бармоқ ва сарбаст вазни (2 с.).

**Режа:**

1. Ўзбек адабиётшунослигида шеърий вазнлар ҳақидаги қарашлар.
2. Бармоқ вазни ҳақида маълумот. Бармоқда ритм ҳосил қилувчи унсурлар.
3. Сарбаст ҳақида маълумот.
4. Чўлпон ижодида аруз, бармоқ ва сарбаст.

Адабиётлар (3-15, 37-40, 42-44, 45-49, 51-55).

### 9-мавзу. Эпос. Роман жанри (2 с.).

**Режа:**

1. Эпик турнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.
2. Эпик тур жанрлари.
3. “Роман” истилоҳи ва жанрнинг пайдо бўлиши.
4. Роман – эпик тур сифатида
5. Роман жанрининг тарихий тараққиёти.
6. Ўзбек романчилиги ҳақида мухтасар маълумот.
7. Ҳозирги ўзбек романчилиги тараққиётининг асосий тенденциялари.

Адабиётлар (3-17, 20, 21, 55, 57, 68, 60-72).

### 10-мавзу. Драма ва трагедия.

**Режа:**

1. Драматик тур ва унинг хусусиятлари.
2. Драма ва трагедиянинг жанр сифатидаги ўзига хосликлари.
3. Драма жанрининг пайдо бўлиши ва тарихий тараққиёти.

4. Трагедия жанрининг пайдо бўлиши ва тарихий тараққиёти.

4. Ўзбек адабиётида драма ва трагедия жанри тадрижи.

Адабиётлар (3-17, 20, 21, 55, 57, 68, 60-72).

### 11-мавзу. Адабий оқим ва йўналишлар, ижодий метод (2 с.)

**Режа:**

1. Адабий оқим ва йўнгалиш тушунчалари.
2. Адабиёт тарихидаги оқимлар ҳақида умумий маълумот.
3. Модернизм – адабий оқим сифатида.
4. Ижодий метод тушунчаси. Реализм ва романтизм.

Адабиётлар (3-15).

## Амалий машғулотлар мавзулари.

### 1-амалий машғулот: *Образлилик ва образ* (2 с.). («Ўткан кунлар» романи асосида)

1. Образлилик тушунчасини изоҳланг.
2. Образ терминининг кенг ва тор маъносини изоҳланг
3. «Образ» термини қандай келиб чиққан? Физик образ нима?
4. Бадиий образнинг таърифини айтинг. Турли дарсликларда образга берилган таърифларни келтиринг. Уларни қиёсланг. Сизнингча, уларнинг қайси бири мукаммал? Нима учун?
5. Бадиий образнинг ўзига хос хусусиятларини сананг.
6. Бадиий тўқима нима? Образ яратишда бадиий тўқиманинг аҳамияти қандай? «Ўткан кунлар» романидаги тарихий шахслар образларини сананг. Ёзувчи уларни яратишда ҳам бадиий тўқимадан фойдаланганми?
7. Образлар бадиий асардаги иштирокига кўра қандай тасниф қилинади? Персонаж терминининг маънолари.
8. Бош қаҳрамон тушунчасини изоҳланг. «Ўткан кунлар» романида бош қаҳрамон.
9. Иккинчи даражали қаҳрамон тушунчасини изоҳланг. «Ўткан кунлар» романида иккинчи даражали қаҳрамонлар
10. Характер нима? «Ўткан кунлар» романида қандай характерлар бор?
11. Отабек характерини тавсифланг. Уни нима учун характер деймиз?

12. Ёзувчининг эстетик идеалига мос келиш-келмаслигига кўра образлар қандай тасниф қилинади?
13. Мураккаб образ тушунчасини изоҳланг.
14. Идеал образ тушунчасини изоҳланг.
15. Тип нима? «Ўткан кунлар» романида қандай типлар бор? Уларни нима учун тип деймиз?
16. «Ўткан кунлар» романида қандай эпизодик образлар бор? Улар асарга нима учун киритилган?
17. Аристотель образ тушунчасини қандай изоҳлаган?
18. Характер кенг тушунчами, образ? Нима учун?
19. «Ижодкор ўзи яратган образларни ҳам ҳаётий қонуният, ҳам санъат ва адабиётдаги қонуниятлар асосида бошқариб боради». Шу мулоҳазани қандай тушунасиз?
20. «Прототип» терминининг маъносини изоҳланг. Прототип нима?
21. «Тарихий шахс образи» ва «прототип асосида яратилган образ» - бу икки термин бир тушунчани ифодалайдими?
22. Умумлаштириш ва индивидуаллаштириш – бу икки тушунчани изоҳланг.
23. Образ яратишнинг икки йўли: жамлаш ва прототип асосида образ яратиш ҳақида гапиринг.
24. Типиклаштириш нима?
25. Билвосита тасвирланишига кўра образларнинг қандай турлари бор?
26. Рамзий ва мажозий образнинг фарқи ва умумийлиги нимада?
27. Лирик образнинг хусусиятлари нимадан иборат?
28. Типик ва нотипик тушунчаларини изоҳланг.
29. Ўзбек адабиётида қандай рамзий образлар мавжуд?
30. Образлар таснифининг қайси турлари лирик образга тааллуқли эмас?
31. «Образ тўқима ёрдамида яратилган ва эстетик қиймать касб этган инсон ҳаётининг умулашма ва айни чоқда конкрет манзарасидир» (Л. Тимофеев). Ушбу таърифда образга алоқадор бўлган умумлаштириш, жамлаш, типиклаштириш, индивидуаллаштириш, прототип, бадиий тўқима, образлилик, таъсирдорлик каби тушунчаларнинг қайсилари ўз аксини топган?
32. Халқ оғзаки ижодидаги образлар ва ёзма адабиётдаги образларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини санаб беринг.
33. Образлилик ва бадиийлик тушунчаларини қиёсланг. Уларнинг қайси бири кенгроқ ҳодиса?
34. Бадиий образнинг тарихий ўзгарувчан тушунча эканлигини изоҳлаб беринг.

**2-амалий машғулот:** ***Бадиий асар сюжети*** **(2 с.).**
**(«Юлдузли тунлар» романи асосида.)**

1. Сюжет тушунчасини изоҳланг.
2. Фабула тушунчасини изоҳланг.
3. Сюжет ва фабула – буларнинг қайси бири мураккаброқ тушунча ва нима учун?

4. Сюжет элементларини санаб беринг.
5. Экспозиция нима? «Юлдузли тунлар» романида экспозиция.
6. Экспозициянинг қандай кўринишлари бор? «Юлдузли тунлар» романида экспозициянинг қайси кўриниши учрайди?
7. Тугун нима? «Юлдузли тунлар»романида тугун.
8. Воқеалар ривожи нима? «Юлдузли тунлар» романида воқеалар ривожи.
9. Кульминация нима? «Юлдузли тунлар» романида кульминация.
10. Ечим нима? «Юлдузли тунлар» романида ечим.
11. Конфликт тушунчасини изоҳланг.
12. Конфликтнинг қандай кўринишлари бор?
13. «Юлдузли тунлар» романида конфликтнинг қайси кўринишлари учрайди?
14. Интрига ва конфликт тушунчаларини қиёсан тушунтиринг.
15. Максим Горький томонидан сюжетга берилган таърифни ёд айтинг.
16. Турли адабиётларда сюжетга берилган таърифларни келтиринг ва қиёсланг.
17. Хроникал сюжет ва концентрик сюжет тушунчаларини изоҳланг. «Юлдузли тунлар» романи сюжети шулардан қайси бирига дахлдор?
18. Пролог нима? «Юлдузли тунлар»романида пролог борми?
19. Эпилог нима? «Юлдузли тунлар» романида эпилог борми?
20. Пролог ва эпилогнинг экспозициядан фарқи нимада?
21. Лирик асар сюжетининг ўзига хослигини изоҳланг.
22. Воқеабанд шеър тушунчасини изоҳланг.

23. М. Горький «Сюжет – бадиий адабиётнинг иккинчи элементидир» дейди. Буни қандай тушунасиз?

24. Сайёр сюжет нима? Қандай сайёр сюжетларни биласиз?
25. «Сайёр сюжет» бирикмасидаги «сюжет» сўзи терминологик маънодаги «сюжет» тушунчаси билан мос тушадими?
26. Бир неча фабула линиясидан тузилган қандай асарларни биласиз?
27. «Сюжет – бу муаллифнинг мақсади, фабула эса шу мақсадга эришиш воситасидир». Ушбу фикрни изоҳланг.
28. Сюжет мазмун ҳодисасими, шакл ҳодисаси?
29. «Фабула янги бўлиши шарт эмас, аммо сюжет янги бўлиши шарт» (А. Чехов). Ушбу фикрни қандай тушунасиз?
30. «Сюжетсизлик бадиийсизликка олиб келади» (Чернишевский). Ушбу фикрни изоҳланг.
31. Эпик ва драматик асар сюжетининг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини «Юлдузли тунлар» ва «Фауст» асарлари мисолида изоҳланг.
32. Сюжет ва характерларнинг ўзаро алоқадорлигини қандай тушунасиз?
33. Ҳозирги ўзбек адабиётида ҳам сайёр сюжетлар борми?
34. Ғарб адабиётида қандай сайёр сюжетлар учрайди?

35. Фитратнинг асар сюжети ҳақидаги қарашлари.

**3-амалий машғулот: *Бадиий асар композицияси* (2 с.).**
**(«Қиёмат» романи ва «Ҳамлет» трагедияси асосида.)**

1. Композициянинг таърифини айтинг.
2. Композицион қолиплаш нима? «Қиёмат» романида композицион қолиплаш.
3. Портрет нима? «Қиёмат» романидаги Авдий Каллистратов портрети.
4. Лирик чекиниш нима? «Қиёмат» романида лирик чекиниш.
5. Диалог – композицион восита сифатида. Эпик асарда диалогнинг ўрни ва аҳамиятини «Қиёмат» романидаги бирор диалог асосида изоҳланг.
6. Монолог нима? Эпик асарда монологнинг ўрни ва аҳамиятини «Қиёмат» романи мисолида изоҳланг.
7. Пейзаж нима? Пейзажнинг аҳамиятини «Қиёмат» романидаги бирор пейзаж манзараси асосида изоҳланг.
8. Бадиий интерьер нима? «Қиёмат» романида бадиий интерьер.
9. Бадиий деталь нима? «Қиёмат» романида қандай бадиий деталлар бор?
10. «Қиёмат» романи қандай фабула линияларидан иборат?
11. Архитектоника ва композиция терминларини изоҳланг.
12. «Қиёмат» романида баён ким томонидан олиб борилади? Ёзувчи нега баённинг шу усулини танлаган?
13. Ички монолог нима?
14. «Қиёмат» романи композициясининг ўзига хослиги нимада?
15. Хотира – бадиий-композицион усул сифатида. «Қиёмат» романида хотира.
16. Фитратнинг бадиий асар композицияси ҳзақидаги қарашлари.
17. «Бадиий башорат» нима? «Қиёмат» романида бадиий башорат борми?
18. Бадиий асарда «сир сақлаш» усули.
19. «Қиёмат» романидан Бўстон портрети берилган ўринларни топиб ўқиб беринг. Ёзувчи ўз қаҳрамонининг қайси жиҳатларига кўпроқ диққат қаратади?
20. Ч. Айтматовнинг салбий ва ижобий қаҳрамонлари портретини чизишдаги ўзига хос усули.
21. Драматик асарнинг композицион бўлаклари.
22. Драматик асарда пейзажнинг ўрни ва роли. «Ҳамлет» трагедиясида пейзаж.
23. Драматик асарда портрет яратишнинг ўзига хослиги. «Ҳамлет» трагедиясида портрет.
24. Драматик асарда монологнинг ўрни ва роли. Ҳамлет монологини ёд айтиб беринг.
25. Драматик асарда бадиий деталь. «Ҳамлет» трагедиясида бадиий деталь.

26. Драматик асарда бадиий интерьер. «Ҳамлет» трагедиясида бадиий интерьер.

27. Драматик асарда хотира бадиий-композицион воситасининг берилиш усулларини «Ҳамлет» трагедияси мисолида изоҳланг..

28. Ремарка нима? «Ҳамлет» трагедиясида ремарка.
29. Реплика нима? «Ҳамлет» трагедиясида реплика.
30. Шеърий ва драматик асарларда ҳам лирик чекиниш бўладими?
31. Эпиграф – бадиий-композицион восита сифатида.
32. Асар сарлавҳаси – бадиий-композицион восита сифатида.
33. «Ҳамлет» трагедиясида конфликт.
34. «Композициянинг ички вазифаси – бадиий фикр ва туйғуларнинг узлуксиз ҳаракатидир» (ЭСЮЛ). Шу фикрни қандай тушунасиз?
35. Офелия портретига хос ўринларни топинг ва ўқиб беринг.

### 4-амалий машғулот: *Бадиий асар тили* (2 с.). («Меҳробдан чаён» романи ва «Темир хотин» пьесаси асосида.)

1. Умумхалқ тили тушунчасини изоҳланг.
2. Адабий тил тушунчасини изоҳланг.
3. Адабий тилнинг қандай услублари бор?
4. Бадиий услубнинг тилнинг бошқа услубларидан фарқи нимада?
5. Бадиий асар тилининг лексик қатламига нималар киради?
6. Бадиий асар тилида эскирган сўзларнинг аҳамиятини «Меҳробдан чаён» романи мисолида изоҳланг.
7. Профессионализм нима? Унинг бадиий асардаги аҳамияти.
8. Диалектизм нима? «Меҳробдан чаён» романида диалектизмлар.
9. Муаллиф нутқи нима? «Меҳробдан чаён» романида муаллиф нутқи.
10. Персонажлар нутқи тушунчасини «Меҳробдан чаён» романи мисолида изоҳланг.
11. Бадиий асар тилида варваризм, жаргон ва вульгаризмларнинг ўрнини «Меҳробдан чаён» романи мисолида изоҳланг.
12. «Тил – бадиий асарнинг биринчи элементидир» (М. Горький). Ушбу фикрни қандай тушунасиз?
13. «Меҳробдан чаён» асарида маъноси ўзингизга нотаниш бўлган қандай сўзларга дуч келдингиз? Уларнинг луғатини тузинг.Сўз ва унинг аҳамияти ҳақида айтилган қандай фикрларни биласиз?
14. Бадиий асар тилининг ўзига хос қандай жиҳатлари бор?
15. Макароник нутқ иборасининг маъносини изоҳланг.
16. Синоним нима? «Меҳробдан чаён» романида синонимлар.
17. Антоним нима? «Меҳробдан чаён» романида антонимлар.
18. «Бадиий асар – муайян тилнинг энциклопедиясидир» деган фикрни қандай тушунасиз?
19. Лаконизм нима?
20. Бадиий асар тилининг тасвирийлиги деганда нимани тушунасиз?

21. Драматик асар тилининг эпик асар тилидан фарқли жиҳатлари нимада деб ўйлайсиз?
22. Неологизм нима? Бадиий асарда неологизмнинг ўрнини «темир хотин» асари мисолида изоҳланг.
23. Поэтик синтаксис тушунчасини изоҳланг.
24. Инверсия нима?
25. Риторик сўроқ нима? Тажоҳули ориф бадиий санъати.
26. Параллелизм нима? Такрор – бадиий асар поэтик синтаксисининг ўзига хос усули сифатида. Такрорнинг қандай турларини биласиз?
27. «Темир хотин» асарида маъноси ўзингизга нотаниш бўлган қандай сўзларга дуч келдингиз? Адиб улардан нима мақсадда фойдаланган?
28. Сўз ва унинг аҳамияти ҳақида айтилган қандай фикрларни биласиз?
29. Бадиий асар тилининг эмоционаллиги деганда нимани тушунасиз?
30. Лирик асар тилининг эпик асар тилидан фарқли жиҳатлари нимада деб ўйлайсиз?
31. Қўчқор нутқи ёзувчи томонидан қандай индивидуаллаштирилган?
32. Бадиий асар тилида «сукут» усули.
33. Риторик мурожаат нима?
34. Анафора ва эпифора тушунчаларини изоҳланг.
35. Тадриж нима?

**5—амалий машғулот:** ***Шеърий асар тили*** **(2 с.).**
**(А. Навоий ғазаллари асосида.)**

1. Махсус тасвирий воситалар деганда нимани тушунасиз?
2. Махсус тасвирий воситалар адабиётшуносликда яна қандай терминлар билан ифодаланади? Улардан қайси бири ҳодиса мазмунини аниқроқ ифодалайди?
3. Сифатлаш нима?
4. Ўхшатиш ва перифраз.
5. Истиора нима?
6. Метафора нима? Истиора ва метафорани қиёсланг.
7. Жонлантириш: интоқ ва ташхис.
8. Тазод ва оксиморон ҳақида тушунча беринг.
9. Муболаға ва унинг турлари.
10. Таносиб нима?
11. Илтизом нима?
12. Иштиқоқ нима?
13. Тамсил нима?
14. Ҳарф (ёки китобиёт)санъати.
15. Таъдид санъати ҳақида маълумот беринг.
15. Талмиҳ санъати ҳақида маълумот беринг.
16. Радд санъати ва унинг кўринишлари.
17. Махсус бадиий тасвир воситалри нега кўпроқ шеърий асарлар мисолида изоҳланади?
18. Бадиий санъатларга бағишланган қандай асарларни биласиз?

19. Ирсоли масал санъати нима?
20. Ҳусни таълил нима?

## 6- амалий машғулот: *Шеър тузилиши* (2 с.).

1. Шеър терминининг икки хил маъносини изоҳланг.
2. Наср ва назмнинг фарқи нимада?
3. Оқ шеър нима?
4. Сажъ нима?
5. Ритм нима? Ритм сўзининг луғавий маъноси қандай?
6. Шеъриятда ритмни юзага келтирувчи унсурлар нималардан иборат?
7. Квантитатив ва квалитатив шеър системалари тушунчасини изоҳланг.
8. Шеърий вазнлар системасининг ранг-баранглиги нима билан изоҳланади?
9. Ҳижо нима? Бўғин ва ҳижо тушунчаларининг муштараклиги ва фарқини изоҳланг.
10. Ўзбек шеърияти қандай вазний системаларга асосланади?
11. Бармоқ нима?
12. Туроқ нима?
13. Содда, қўшма ва мураккаб вазн нима?
14. Ўзбек шеъриятининг қайси даврларида бармоқ вазнидан фойдаланилган?
15. Жаҳон шеъриятида яна қандай вазний системалардан фойдаланилади?
16. Бармоқ вазнидаги бирор шеърни ифодалди ўқиб беринг.
17. Бармоқ ва силлабика тушунчаларини қиёсланг.
18. Аруз терминининг қандай маънолари бор?
19. Аруз ҳақида қандай асарлар яратилган?
20. Аруз - қандай вазн?
21. Аруз вазнидаги бирор шеърни ифодали ўқиб беринг.
22. Арузнинг туркий шеъриятда қўлланилгани ва ҳозир ҳам ишлатилаётганининг асоси нимада деб ўйлайсиз?
23. Жузв тушунчасини изоҳланг. Биз ҳозир арузни ўрганишда нега сокин ва мутаҳаррик ҳарф, жузв тушунчаларидан фойдаланмаймиз?
24. Рукн нима? Рукн сўзининг маъноси.
25. Асл рукнларни санаб беринг.
26. Фитратнинг аруз ҳақидаги қарашларини қисқача изоҳланг.
27. Зиҳоф нима?
28. Тақтеъ ва зиҳоф тушунчаларини қиёсан тушунтиринг.
29. Бахр нима? Арузда нечта бахр аниқланган?
30. Туркий шеъриятда қайси баҳрлардан кенг фойдаланилади?
31. Арузда мураббаъ, мусаддас ва мусамман тушунчалари нега ишлатилади?
32. Арузда ёзилган шеърнинг вазнини аниқлашда нималарга таянилади?
33. Арузда чўзиқ ва қисқа ҳижо тушунчаси.
34. Ўта чўзиқ ҳижо тушунчаси.
35. Қатъий вазн шаклига эга бўлган қандай жанрлар бор?

## 7-амалий машғулот: *Сабаст, қофия ва банд* (2 с.).

1. Тоник шеър системасини изоҳланг.
2. Сарбаст шеър системасининг моҳиятини изоҳланг.
3. Ўзбек шеъриятининг қайси даврларида сарбаст вазнидан фойдаланилган.
4. Сарбаст ва насрий шеър тушунчаларини қиёсланг.
5. Сарбаст шеърнинг бирор намунасини ифодали ўқиб беринг.
6. XX аср бошларида сарбаст вазни миллий шеъриятда қандай омиллар асосида пайдо бўлди?
7. Сарбастда ҳам банд бўладими?
8. Ўзбек адабиётшунослигида сарбаст ҳақида айтилган қандай фикрларни биласиз?
9. Ўзбек шеъриятида сарбастда самарали ижод қилган қайси шоирларни биласиз?
10. Аруз, бармоқ ва сарбаст вазнларидан қайси бирида мусиқийлик кучли? Нима учун?
11. Сарбастдан шеърий драмаларда кенг фойдаланилади. Бунинг сабаби нимада?
12. «Эркин шеър системаси XXI аср жаҳон поэзиясида, жумладан, ўзбек шеъриятида ҳам етакчилик қилса, ажабмас, чунки у «тезкор» замона кишиларининг мураккаб зиддиятларга тўла, шиддаткор, бетакрор руҳий дунёларини борлиғича намоён этишга қодир куч – мўъжизадир» (Ҳ. Умуров). Бу фикрга қандай қарайсиз?
13. Ҳар учала вазндаги шеърдан намуналар ўқиб беринг. Уларнинг вазнига эътибор беринг.
14. Қофиянинг турли таърифларини келтиринг. Уларни қиёсланг.
15. Мумтоз ва замонавий қофияшунослик ўртасидаги тафовутларни кўрсатинг.
16. Кесма қофия, айланма қофия ва ички қофия тушунчаларига изоҳ беринг.
17. Қандай қофия санъатларини биласиз?
18. Тўқ қофия ва оч қофия нима?
19. Банд нима? Байт нима? Уни ҳам банд ҳисобласа бўладими?
20. Бандда мисралар сони нечтадан нечтагача бўлиши мумкин.
21. Банд мисралари сони ва лирик жанрлар муносабатини изоҳланг.
22Мусаммат турларидан қайсилари амалда кўпроқ учрайди? Нега?
23. Таржиъбанд ва таркиббанд нима?
24. Сонет нима?
25. «Онегинча строфа» тушунчасини изоҳланг.
26. Миллий адабиётимизда жаҳон шеърияти таъсирида банднинг қандай турлари пайдо бўлди?
27. Маснавий шаклида ёзиладиган қандай жанрларни биласиз?
28. Оқ шеърда қофия четлаштирилади, унда банд қандай аниқланади?

29. Сизнингча, банд мисралари кўп бўлганда ритмнинг идрок этилиши осонми, кам бўлганда?
30. Ўзбек шеъриятида қўлланган қандай янги банд хилларини биласиз?
31. Ўзбек шеъриятининг қайси даврларида сарбаст вазнидан фойдаланилган?

32. Ўзбек адабиётшунослигида шеърий вазнлар муаммоси билан шуғулланган қандай олимларни биласиз?
33. Ҳар учала вазнда ижод қилган қандай ўзбек шоирларини биласиз?
34. Аруз, бармоқ ва сарбаст вазнларидан қайси бирида мусиқийлик кучли? Нима учун?
35. Мусаммат турларини сананг.

**8-амалий машғулот:** ***Адабий турлар ва жанрлар. Лирика ва эпос*** **(2 с.).**

1. Адабий турлар деганда нимани тушунасиз?
2. Жанр деганда-чи?
3. Лирик тур жанрларини сананг.
4. Ғазални таърифланг.
5. Рубоийни таърифланг.
6. Қитъани таърифланг.
7. Энг кичик лирик жанрни таърифланг.
8. Туюқни таърифланг.
9. Рубоий, қитъа ва туюқнинг фарқи нимада?
10. Соқийнома жанри ҳақида нималар биласиз?
11. мустазод жанри ҳақида нималар биласиз?
12. Қасида ҳақида нималар биласиз?
13. Марсия жанрини таърифланг.
14. Муаммо ва чистон жанрларини таърифланг.
15. Мувашшаҳ ҳақида нима биласиз?
16. Замонавий шеъриятда лириканинг қандай жанрлари учрайди?
17. Лирик турнинг ўзига хос хусусиятлари нимада?
18. Шеърият ва лирика – бу икки тушунчанинг фарқи борми?
19. Миллий адабиётимизга жаҳон шеърияти таъсирида қандай жанрлар кириб келди.
20. Халқ оғзаки лирикасида қандай жанрлар бор?
21. Эпик тур жанрларини санаб беринг.
22. Эпик турнинг асосий хусусиятлари нималардан ибоарт?
23. Ҳикоя жанрини таърифланг.
24. Новелла жанрини таърифланг.
25. Қисса (повесть) жанрини таърифланг.
26. Мумтоз адабиётда қандай эпик жанрлар бўлган?
27. Роман нима?
28. Эпопея нима?
29. Очерк – эпик жанр сифатида.
30. Эссе жанри ҳақида нималар биласиз?
31. Халқ оғзаки ижодининг қандай эпик жанрлари мавжуд?

32. Ўзбек адабиётида яратилган қандай қиссаларни биласиз?
33. Ўзбек адабиётида яратилган қандай романларни биласиз?
34. Бадиий мемуарлар ҳақида нима биласиз?
35. «Роман» термини турли тарихий даврларда қандай маъноларни англатган?
36. Роман жанрининг пайдо бўлишига қайси жанрлар асос бўлган?
37. Жаҳон адабиётининг қандай улуғ романнависларини биласиз?
38. Шеърий роман тушунчасини изоҳланг.
39. Психологик роман тушунчасини изоҳланг.
40. Дилогия, трилогия, ттетралогия, романлар цикли терминларини изоҳланг.

**9-амалий машғулот.** ***Адабий турлар ва жанрлар.***
***Драма ва лиро-эпик тур*** **(2 с.).**

1. Драматик турни таърифланг.
2. Аристотель драматик тур ҳақида қандай фикрлар билдирган?
3. В. Белинский драматик тур ҳақида қандай фикрлар билдирган?
4. Драма, трагедия ва комедия сўзларининг луғавий маъносини изоҳланг.
5. Драма жанрини таърифланг.
6. Комедия жанрини таърифланг.
7. Трагедия жанрини таърифланг.
8. Драматик тур ва эпик турнинг ўзаро муштараклиги ва фарқини изоҳоанг.
9. Водевиль нима?
10. Фарс нима?
11. Мелодрама нима?
12. Ўлим билан тугайдиган ҳар қандай драматик асарни трагедия деса бўладими? Нима учун?
13. Жаҳон адабиётида яратилган қандай трагедияларни биласиз?
14. Ўзбек адабиётида драматик турнинг пайдо бўлиши ҳақида қисқача сўзланг.
15. Драматик тур тараққиётининг тарихий характерини қандай тушунасиз?
16. Драматик тур жанрларида характерларнинг ўзига хослиги нимада?
17. Фитратнинг драматик тур ҳақидаги қарашлари.
18. Шеърий драма ҳақида маълумот.
19. Шеърий драма ва драматик достон – бу иккаласи битта ҳодисами?
20. Драматик асарда конфликтнинг ўрни ва роли.
21. Лиро-эпик турга таъриф беринг.
22. Лиро-эпик тур хусусида турли дарсликларда берилган фикрларни чоғиштиринг.
23. Нима учун айрим илмий адабиётларда лиро-эпик тур алоҳида адабий тур сифатида ажратиб кўрсатилмайди?
24. Лиро-эпик турнинг қандай жанрлари бор?
25. Мунозара жанри ҳақида маълумот беринг.
26. Масал жанри ҳақида маълумот беринг.
27. Баллада жанри ҳақида маълумот беринг.

28. Нома жанри ҳақида маълумот беринг. қандай номаларни биласиз?
29. Достон жанри ҳақида маълумот беринг.
30. Мумтоз адабиёт достонлари ва замонавий достонларнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатларини изоҳланг.
31. Ўзбек адабиётида яратилган қандай достонларни биласиз?
32. Шеърий роман ва достон жанрларини ўзаро қиёсланг.
33. Сайёр сюжетлар асосида яратилган қандай достонларни биласиз?
34. «Поэма» сўзининг луғавий маъноси нима? Ғарб адабиётида поэма жанри тараққиёти ҳақида нималар биласиз?
35. Ғарб адабиётида яратилган қандай поэмаларни биласиз?
36. Ғарб поэмачилиги ва Шарқ достончилигини қиёсланг.
37. Замонавий миллий адабиётдаги достон(поэма)лар қайси омиллар асосида пайдо бўлган?
38. Достон жанрида лирик чекиниш.

### *Бадиий асарнинг комплекс таҳлили[1]*(4 соат)*

### 10-амалий машғулот (2 с.).
### (А. Қаҳҳорнинг «Даҳшат», «Ўғри», «Анор», «Бемор», «Кампирлар сим қоқди» ҳикоялари)

1. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида сарлаҳанинг бадиий-композицион вазифасини изоҳланг.
2. Бадиий деталь нима? «Анор» ҳикоясида бадиий деталь.
3. Тугун нима? Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида тугун.
4. Пейзаж нима? «Даҳшат» ҳикоясида пейзажнинг бадиий-композицион вазифаси.
5. Эпиграф нима? Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида эпиграфнинг бадиий-композицион вазифаси.
6. Портрет нима? Ҳикоя жанрида портрет яратишнинг ўзига хослигини А.Қаҳҳор ҳикоялари мисолида изоҳланг.
7. Ҳикоя жанрида экспозициянинг ўзига хослигини А.Қаҳҳор ҳикоялари мисолида изоҳланг.
8. Сюжет нима? А. Қаҳҳор ҳикояларининг сюжети ҳақида нима дея оласиз?
9. «Ечим» истилоҳини изоҳланг. А.Қаҳҳор ҳикояларида ечим.
10. Воқеа ривожи нима? Воқеа ривожини «Анор» ҳикояси мисолида изоҳланг.
11. Характер тушунчасини изоҳланг. Олимжон додхоҳ характерига таъриф беринг. Ҳикояда додхоҳ характерининг қайси жиҳатига урғу берилган?
12. Кульминация тушунчасини изоҳланг. А.Қаҳҳор ҳикояларида кульминация.

[1] Ўқитувчининг ва талабаларнинг ихтиёрига кўра ушбу уч мавзудан иккитаси танланиши мумкин.

13. Конфликт тушунчасини изоҳланг. А.Қаҳҳорнинг ўтмиш мавзуидаги ҳикояларида конфликт.
14. «Кампирлар сим қоқди» ҳикоясида конфликт.
15. А.Қаҳҳорнинг ўтмиш мавзуидаги ҳикояларида бадиий ғоя.
16. Сюжет элементларини «Ўғри» ҳикояси мисолида изоҳланг.
17. «Кампирлар сим қоқди» ҳикоясида бадиий ғоя.
18. Сотиболди, Қобил бобо ва Туробжон образларини ўзаро қиёсланг. Уларнинг умумий ва фарқли жиҳати нимада?
19. А.Қаҳҳор ҳикояларида қаҳрамонлар номининг бадиий-композицион мақсадга йўналтирилганлиги.
20. Характер ва тип тушунчаларини изоҳланг. А.Қаҳҳор ҳикояларида типлар.
21. Бадиий асар тили ҳақида қичсқача маълумот беринг.
22. А.Қаҳҳор асарлари тилининг ўзига хослигини нималарда кўрасиз?
23. А.Қаҳҳор ҳикояларида қандай бадиий-тасвирий воситалардан фойдаланилган?
24. А.Қаҳҳор ҳикоялари тилининг лексик қатлами ҳақида нималар дея оласиз?
25. А.Қаҳҳор ҳикояларида поэтик синтаксиснинг ўзига хослиги нимада?
26. Бадиий интерьер тушунчасини “Анор” ҳикояси мисолида изоҳланг.
28. Бадиий тафсилот тушунчасини “Даҳшат” ҳикояси мисолида изоҳланг.
29. А.Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир.
30. Ҳикояда эпизодик образ тушунчасини “Ўғри” ҳикояси мисолида изоҳланг.

**11-амалий машғулот (2 с.).**
**(«Кеча ва кундуз» романи.)**

1. «Кеча ва кундуз» романида қандай типлар бор?
2. Мирёқуб образига характеристика беринг.
3. «Кеча ва кундуз» романида тугун.
4. «Кеча ва кундуз» романида хотира – композицион усул сифатида.
5. «Кеча ва кундуз» романида Зеби портрети.
6. «Кеча ва кундуз» романида лексик қатламнинг ўзига хослиги.
7. «Кеча ва кундуз» романида персонажлар нутқи ва муаллиф нутқи.
8. «Кеча ва кундуз» романида конфликт.
9. «Кеча ва кундуз» романида психологик тасвир.
10. «Кеча ва кундуз» романида Нойиб тўра образи.
11. Романга кўра Акбарали мингбошининг хотинлари тўртта эди. Бундан қандай ғоявий-бадиий мақсад кўзланган?
12. «Кеча ва кундуз» романида ўз-ўзини суд – бадиий-клмпозицион восита сифатида.
13. Зебининг суди саҳнасида тазодийлик.
14. Акбарали мингбошининг ўлими воқеаси қандай бадиий-ғоявий мақсадга йўналтирилган?
15. «Кеча ва кундуз» романида пейзаж.

16.«Кеча ва кундуз» романида кульминация.
17.Бадиий интерьер нима? «Кеча ва кундуз» романида бадиий интерьер.
18.Нойиб тўранинг хотини образи қандай бадиий-ғоявий мақсадга йўналтирилган?
19.Асар сарлавҳаси – бадиий-композицион восита сифатида.
20.Мария образи қандай бадиий-ғоявий мақсадга йўналтирилган.
21.Ҳакимжон образи қандай бадиий-ғоявий мақсадга йўналтирилган?
22. "Кеча ва кундуз" романида лиризм.
23."Кеча ва кундуз" романида қандай эпизодик образлар бор?
24. Романда ечим.
25."Кеча ва кундаз"ни тугалланган роман деса бўладими?
26.Романда рамзийлик.
27.Асар композицияси ҳақида нима дея оласиз?
28.Роман эпиграфи ҳақида нима дея оласиз?
29.Насрий асарда драматизмни қандай тушунасиз? "Кеча ва кндаз" мисолида изоҳланг.
30."Кеча ва кундаз"ни қайси белгиларига кўра роман жанрига мансуб деб баҳолаш мумкин?

**12-амалий машғулот (2 с.).**
**(«Абулфайзхон» трагедияси)**.

1. «Абулфайзхон» асари – трагедия.
2. «Абулфайзхон» трагедиясида тугун ва ечим.
3. «Абуфайзхон» трагедиясида кульминация.
4. «Абулфайзхон» трагедиясида бадиий деталь.
5. Улфат образига характеристика беринг.
6. Рамзий образ нима? Хаёл рамзий образи.
7. «Абулфайзхон» трагедиясида воқеалар ривожининг ўзига хослиги.
8. Эпизодик образ нима? Қурвон образи.
9. «Абулфайзхон» трагедиясида лексик қатлам.
10.«Абулфайзхон» трагедиясида ғоя.
11.«Абулфайзхон» трагедиясида бадиий-тасвирий воситалар.
12.«Абулфайзхон» трагедиясида муаллиф ремаркалари.
13.«Абулфайзхон» трагедиясида персонажлар нутқи.
14.Монолог нима? Хаёл монологи.
15. «Абулфайзхон» трагедиясида психологик тасвир.
16. «Абулфайзхон» трагедиясида бадиий ғоя.
17.«Абулфайзхон» трагедиясида конфликт.
18.«Абулфайзхон» трагедиясида экспозиция.
19.Ёзувчи эстетик идеалига мос келиш-келмаслигига кўра «Абулфайзхон» трагедиясида образлар.
**20.**«Абулфайзхон» трагедиясида типлар.
21.Характер нима? «Абулфайзхон"да қандай характерлар мавжуд?

22. «Абулфайзхон» трагедиясида рамзий деталлар.
23. «Абулфайзхон» асарини нима учун трагедия деймиз?
24. «Абулфайзхон» трагедиясида бадиий тўқиманинг ўрни.
25. Асарда диалогларнинг ўрни ва роли.
26. Асар композицияси ҳақида нима дея оласиз?
27. Конфликт кўринишларини «Абулфайзхон» трагедияси мисолида тушунтиринг.
28. Иброҳим оталиқ монологини ёд айтиб беринг.
29. Ёзувчи томонидан ката маҳорат билан ишланган образ сифатида қайси образни кўрсата оласиз?
30. Аристотелнинг трагедияга берган таърифини эсланг. Шу таърифни «Абулфайзхон» трагедиясига тадбиқ қилинг.

**«Адабиётшуносликка кириш» фанидан ОБ учун рейтинг саволлари**

1. Адабиётшунослик – бадиий адабиёт ҳақидаги фан.
2. Адабиётшунослик фанининг максад ва вазифалари.
3. Адабиётшунослик фанининг асосий ва ёрдамчи бўлимлари.
4. Адабиёт назарияси – адабиётшуносликнинг бўлими сифатида.
5. Адабиёт тарихи – адабиётшуносликнинг бўлими сифатида.
6. Адабий танқид – адабиётшуносликнинг бўлими сифатида.
7. Адабиётшунослик фанининг тарихий тадрижи.
8. Ўзбек адабиётшунослигининг тарихий тадрижи.
9. Бадиий адабиёт – сўз санъати.
10. Бадиий адабиётнинг санъатнинг бошқа турларидан фарқи.
11. Инсон – бадиий адабиётнинг бош предмети.
12. Бадиий адабиётда мазмун ва шакл бирлиги.
13. Фанда ва бадиий адабиётда образ тушунчаси.
14. Образнинг кенг ва тор маъноси.
15. Бадиий образнинг ўзига хослиги.
16. Прототип ҳақида маълумот.
17. Бадиий образ яратиш йуллари.
18. Умумлаштириш ва индивидуаллаштириш ҳақида маълумот.
19. Образ яратишда бадиий тўқиманинг роли.
20. Эпик, лирик ва драматик асарларда образ.
21. Бадиий образларнинг асардаги иштирокига кўра турлари.
22. Бадиий образларнинг ижодий методга кўра турлари.
23. Характер ҳақида маълумот.
24. Тип ҳақида маълумот.
25. Типиклаштириш ҳақида маълумот.
26. Образнинг ижодкор эстетик идеалига кўра турлари (ижобий, салбий).
27. Образнинг билвосита тасвирланишига кўра турлари (рамзий, мажозий).
28. Бадиий адабиётнинг ғоявийлиги.
29. Бадиий адабиётнинг халқчиллиги.
30. Бадиий асарнинг мавзу ва ғояси.
31. Бадиий асар сюжети ҳақида маълумот.

32. Сюжет ва фабула.
33. Экспозиция, пролог ва эпилог ҳақида маълумот.
34. Бадиий асар тугуни.
35. Бадиий асарда вокеалар ривожи ва кульминация.
36. Ечим – сюжет элементи сифатида.
37. Конфликт – сюжетни ҳаракатлантирувчи омил сифатида.
38. Бадиий асар композицияси ҳақида маълумот.
39. Бадиий ғоя ва композиция муносабатлари.
40. Эпик асарда лирик чекинишнинг ўрни ва роли.
41. Бадиий асарда киритма эпизодлар.
42. Бадиий «ҳошия» ва бадиий «башорат».
43. Бадиий асарда пейзаж.
44. Бадиий асарда интерьер.
45. Умумхалқ тили, адабий тил ва бадиий тил.
46. Бадиий услубнинг тилнинг бошқа услубларидан фарқи.
47. Бадиий сўзнинг қудрати ҳақида айтилган қандай фикрларни биласиз?
48. Муаллиф ва персонаж нутқининг ўзига хос жиҳатларини изоҳланг.
49. Лирик, эпик ва драматик асарлар тилининг ўзига хослиги ҳақида нима дея оласиз?
50. Бадиий асар матнида монолог ва диалогнинг ўрни.
51. Бадиий асар тилининг лексик ранг-баранглиги.
52. Бадиий асар тилида лексик ранг-баранглик ва меъёр.
53. Персонаж нутқи – типиклаштириш ва индивидуаллаштириш воситаси сифатида.
54. Тилнинг махсус лексик ресурслари (архаизм, неологизм, профессионализм, диалектизм, варваризм).
55. Махсус тасвирий воситалар: ўхшатиш ва сифатлаш.
56. Махсус тасвирий воситалар: муболаға ва тажнис.
57. Махсус тасвирий воситалар: тазод ва истиора.
58. Махсус тасвирий воситалар: жонлантириш ва мажоз.
59. Махсус тасвирий воситалар: метонимия ва синекдоха.
60. Махсус тасвирий воситалар: такрор ва унинг турлари.
61. Махсус тасвирий воситалар: параллеллизм ва анафора.
62. Поэтик синтаксис, риторик сўроқ, риторик мурожаат.
63. Махсус тасвирий воситаларнинг эпик, лирик ва драматик асардаги ўзига хослиги.
64. Проза ва поэзиянинг ўзига хослиги.
65. Ритм ҳақида маълумот.
66. Шеърий ритм ва шеърий вазн.
67. Аруз вазни ҳақида маълумот.
68. Арузнинг тарихий тадрижи.
69. «Аруз» терминининг маънолари.
70. Очиқ ва ёпиқ ҳижолар ҳақида маълумот.
71. Аруз баҳрлари.
72. Рукн – арузий бўлак сифатида.

73.Алоҳида вазнга эга бўлган жанрлар.
74.Бармоқ вазни ҳақида маълумот.
75.Туроқ ҳақида маълумот.
76.Содда, қўшма, мураккаб ва аралаш вазн.
77.Сарбаст ҳақида маълумот, сарбастнинг ўзига хос хусусиятлари.
78.Жаҳон шеъриятидаги шеърий вазнлар ҳақида маълумот.
79.Қофия ҳақида маълумот.
80.Мумтоз қофия унсурлари.
81.Мумтоз қофия ва замонавий қофия.
82.Қофия билан боғлиқ бадиий санъатлар.
83.Тўқ қофия ва оч қофия.
84.Сажъ ҳақида маълумот.
85.Қофия ва шеърий жанрлар.
86.Қофиянинг шеърий бандда жойлашишига кўра турлари.
87.Банд ҳақида маълумот.
88.Банд тузилиши ва шеърий жанрлар.
89.Радиф ҳақида маълумот.
90.Адабий жараён ҳақида маълумот.
91.Анъана ва ижодийлик.
92.Адабий турлар ҳақида маълумот.
93.Эпос ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
94.Лирика ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
95.Драма ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
96.Жанр тушунчаси.
97.Эпик жанрлар, хикоя ҳақида маълумот.
98.Қисса ҳақида маълумот.
99.Роман – йирик эпик жанр сифатида.
100. Роман ва унинг турлари.
101. Новелла жанри, уни тушунишдаги ҳар хилликлар.
102. Лирик жанрлар ҳақида маълумот.
103. Жаҳон шеърияти жанрлари.
104. Ғазал – лирик жанр сифатида.
105. Рубоий ва туюқ.
106. Қитъа – лирик жанр сифатида.
107. Фард ва мустазод – лирик жанр сифатида.
108. Тасмит жанрлари.
109. Соқийнома ва қасида ҳақида маълумот.
110. Сонет ҳақида маълумот. Ўзбек шеъриятида сонет.
111. Лиро-эпик жанрлар. Баллада.
112. Достон ҳақида маълумот.
113. Драматик достоннинг ўзига хослиги.
114. Шеърий роман ҳақида маълумот.
115. Оқ шеър, сочма шеър ва сарбаст шеър.
116. Драматик тур жанрлари. Драма.
117. Трагедия ҳақида маълумот.

118. Комедия ҳақида маълумот.
119. Бадиий асарда деталь.
120. Жанрларнинг тарихийлиги.
121. Масал жанри ҳақида маълумот.
122. Сатира ва юмор ҳақида маълумот.
123. Фантастика ҳақида маълумот.
124. Детектив асаралар ва уларнинг ўзига хослиги.
125. Ижодий услуб ҳақида маълумот.
126. Ижодий метод ҳақида маълумот.
127. Классицизм методи.
128. Романтизм методи.
129. Танқидий реализм методи.
130. Реализм методи.
131. Модернизм ҳақида маълумот.
132. Бадиий портрет ҳақида маълумот. Ташқи ва ички портрет.
133. Сайёр сюжетлар ва уларнинг бадиий ижоддаги аҳамияти.
134. Ҳозирги ўзбек ёзувчилари ижодида сайёр сюжетлар.
135. «Ўтган кунлар» романида конфликт.
136. «Ўтган кунлар» романида пейзаж.
137. «Ўтган кунлар» романида характерлар.
138. «Ўтган кунлар» романида типлар.
139. «Ўтган кунлар» романида композиция.
140. «Ўтган кунлар» романида ғоя.
141. «Ўтган кунлар» романида бадиий тасвир воситалари.
142. «Ўтган кунлар» романида бадиий деталь.
143. «Ўтган кунлар» романида пролог ва эпилог.
144. «Ўтган кунлар» романида интерьер.
145. «Ўтган кунлар» романида экспозиция.
146. «Ўтган кунлар» романида «бадиий башорат» (туш).
147. «Ўтган кунлар» романида портрет.
148. «Кеча ва кундуз» романида конфликт.
149. «Кеча ва кундуз» романида пейзаж.
150. «Кеча ва кундуз» романида характерлар.
151. «Кеча ва кундуз» романида типлар.
152. «Кеча ва кундуз» романида композиция.
153. «Кеча ва кундуз» романида ғоя.
154. «Кеча ва кундуз» романида бадиий тасвир воситалари.
155. «Кеча ва кундуз» романида бадиий деталь.
156. «Кеча ва кундуз» романида интерьер.
157. «Кеча ва кундуз» романида экспозиция.
158. «Кеча ва кундуз» романида портрет.
159. «Кеча ва кундуз» романида композицион воситалар (хотира, ўз-ўзини суд).
160. «Асрга татигулик кун» романида киритма эпизодлар.
161. «Асрга татигулик кун» романида лирик чекиниш.

162. «Асрга татигулик кун» романида монолог.

## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАЗМУНИ.

“Адабиётшуносликка кириш» фанидан мустақил таълим мазмуни тавсия этиладиган бадиий ва илмий асарларни ўқиш, ёдлашга берилган лирик, эпик ва драматик асар парчаларини ёдлаш ҳамда олинган илмий-назарий билимлар асосида ана шу адабий материални таҳлил эта билиш малакасини шакллантиришга қаратилгандир. Мустақил таълим соатлари талабаларнинг назарий билимларини мустаҳкамлашга, хотирани ривожлантиришга, назария ва амалиётни уйғунлаштириш малакасини шакллантиришга, умумий дунёқарашни кенгайтиришга ёрдам беради.

***Мустақил ўқиш учун қуйидаги бадиий асарлар тавсия этилади:***

1. А. Навоий. «Фарҳод ва Ширин».
2. Бобур. «Бобурнома».
3. Фитрат. «Абулфайзхон».
4. А. Қодирий. «Ўткан кунлар».
5. Чўлпон. «Кеча ва кундуз».
6. А. Қаҳҳор. Ҳикоялар.
7. М. Шайхзода. «Мирзо Улуғбек».
8. Т. Мурод. «Ойдинда юрган одамлар».
9. Ш. Бошбеков. «Темир хотин».
10. Э. Воҳидов. «Руҳлар исёни».
11. А. Орипов. «Жаннатга йўл».
12. А. Пушкин. «Евгений Онегин».
13. Ф. Достоевский. «Жиноят ва жазо».
14. Л. Толстой. «Тирилиш».
15. Ч. Айтматов. «Оқ кема», «Асрга татигулик кун».
16. Жек Лондон. «Мартин Иден».
17. Антуан де Сент Экзюпери. «Кичкина шаҳзода».
18. Альбер Камю. «Бегона».
19. Н. Думбадзе. «Абадият қонуни».
20. Габриэль Гарсиа Маркес. «Ошкора қотиллик қиссаси».

***Ёдлаш учун қуйидаги асарлар тавсия этилади:***

1. Алишер Навоий. «Ўн сакиз минг олам ошуби...», «Қаро кўзум», «Келмади» ғазаллари.
2. Бобурдан 10та рубоий.
3. Машраб. Мустазод.
4. Мунисдан 5та қитъа.
5. Фитрат. «Миррих юлдўзига».
6. «Ўткан кунлар» романидан Юсуфбек ҳожи монологи.
7. Чўлпон. «Гўзал».

8. Ойбек. «Наъматак».
9. М. Шайхзода. «Мирзо Улуғбек»дан парча.
10. Миртемир. «Онажон».
11. Ҳ. Олимжон. «Зайнаб ва Омон»дан парча.
12. Ғ. Ғулом. «Сен етим эмассан».
13. Зулфия. «Ўғлим, сира бўлмайди уруш».
14. Э. Воҳидов. «Рашким».
15. Р. Парфи. «Она Туркистон».
16. А. Орипов. «Жаннатга йўл»дан парча.
17. Ш. Раҳмон. «Туркийлар».
18. М. Юсуф."Юртим, адо бўлмас армонларинг бор».

## ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ.

***Ёзма иш вариант намуналари.***

1-билет
1. Адабиётшунослик – бадиий адабиёт ҳақидаги фан.
2. Образ ҳақида маълумот.
3. Мазмун ва шакл бирлигини бирор шеър мисолида изоҳланг.

2-билет
1. Адабиёт тарихи – адабиётшуносликнинг бўлими сифатида.
2. Характер ҳақида маълумот.
3. «Абулфайзхон» трагедиясида образлар.

3-билет
1. Адабиётшунослик фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Бадиий адабиётда мазмун ва шакл бирлиги.
3. «Кеча ва кундуз» асарида ғоя.

4-билет
1. Адабий танқид – адабиётшуносликнинг бўлими сифатида.
2. Образнинг ёзувчи эстетик идеалига мослигига кўра турлари.
3. «Туркийлар» шеъри таҳлили.

5-билет
1. Адабиётшунослик фанининг асосий ва ёрдамчи бўлимлари.
2. Бадиий адабиёт – сўз санъати.
3. Чингиз Айтматов асарларида бадиий ғоя.

6-билет
1. Адабиётшунослик фанининг тарихий тадрижи.
2. Рамзий ва мажозий образ ҳақида маълумот.
3. «Ўткан кунлар» асарида образлар.

7-билет
1. Адабиёт назарияси – адабиётшуносликнинг бўлими сифатида.
2. Бадиий адабиётнинг ғоявийлиги.
3. А.Қаҳҳор ҳикояларидан бири таҳлили.

8-билет
1. Бадиий адабиётнинг санъатнинг бошқа турларидан фарқи.
2. Бадиий сўзнинг қудрати ҳақида айтилган қандай фикрларни биласиз?

3. «Америка фожиаси» романида типлар.
9-билет
1. Фанда ва бадиий адабиётда образ тушунчаси.
2. Ёзувчи дунёқараши ва ғоявийлик.
3. «Ўтган кунлар» романида «бадиий башорат» (туш).
10-билет.
1. Адабиёт ва адабиётшунослик тушунчалари.
2.Бадиий адабиётда тенденциозлик.
3. Шеър таҳлили.
11-билет
1. Физик образ ва бадиий образ: уларнинг фарқи ва умумийлиги.
2. Бадиий адабиётнинг ўзига хослиги.
3. «Мирзо Улуғбек» трагедияси таҳлили.
12-билет
1.Бадиий адабиётнинг тасвир объекти.
2. Бадиий асарда тўқима.
3. «Ойдинда юрган одамлар» - қисса жанри намунаси.
13-билет
1. Бадиий образнинг ўзига хослиги.
2. Адабий танқид ҳақида маълумот.
3. Шеър таҳлили.
14-билет
1. Тип ҳақида маълумот.
2.Адабиётшуносликнинг ёрдамчи соҳалари.
3. Драматик асар таҳлили.
15-билет
1. Прототип ҳақида маълумот.
2. Бадиий асарнинг халқчиллиги.
3. «Жаннатга йўл» асарининг жанрий хусусиятлари.
16-билет
1. Умумлаштириш ва индивидуаллаштириш.
2. Адабиётшунослик фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.
3. Эпик асар таҳлили.
17-билет.
1. Бадиий образнинг умумийлиги ва индивидуаллиги.
2. Бадиий асарда мавзу ва ғоя.
3.«Кеча ва кундуз» романида бадиий деталь.
18-билет
1. Эпик, лирик ва драматик асарларда образ.
2. Бармок вазнидаги шеърларда қофия
3. «Қаро кўзум» ғазалида махсус тасвирий воситалар.
19-билет
1. Бадиий асар композициясида экспозиция, пролог ва эпилогнинг роли.
2. Рукн – арузий бўлак сифатида.
3. «Кеча ва кундуз» романида бадиий тасвир воситалари.

20-билет
1. Бадиий образларнинг асардаги иштирокига кўра турлари.
2. Махсус тасвирий воситалар: тарсеъ ва илтизом.
3. «Жиноят ва жазо» романида мавзу ва ғоя.
21-билет
1. Сюжет ва фабула.
2. Арузнинг тарихий тадрижи.
3.«Кеча ва кундуз» романида ғоя.
22-билет
1. Бадиий образларнинг ижодий методга кўра турлари.
2. Аруз вазни ҳақида маълумот.
3. «Юртим, адо бўлмас армонларинг бор» шеърининг таҳлили.
23-билет
1. Бадиий асар сюжети ҳақида маълумот.
2. Тилнинг махсус лексик ресурслари (архаизм, историзм, неологизм, профессионализм, диалектизм) ва уларнинг бадиий асардаги аҳамияти.
3. «Кеча ва кундуз» романида характерлар.
24-билет
1. Характер ҳақида маълумот.
2.Асл рукнлар ҳақида маълумот.
4. Ш. Раҳмоннинг «Туркийлар» шеъри таҳлили.
25-билет
1. Бадиий асарнинг мавзу ва ғояси.
2.Бадиий образнинг ижодкор эстетик идеалига кўра турлари (ижобий, салбий).
3. «Кеча ва кундуз» романида типлар.
25-билет
1. Тип ҳақида маълумот.
2.Бармоқ вазнида ритм ҳосил қилиш унсурлари. Туроқ.
3. «Ўткан кунлар» романида Юсуфбек ҳожи монологи таҳлили.
26-билет
1. Бадиий адабиётнинг халқчиллиги.
2. Модернизм ҳақида маълумот.
3. «Кеча ва кундуз» романида композиция.
27--билет
1. Типиклаштириш ҳақида маълумот.
2. Банд тузилиши ва шеърий жанрлар.
3. Э. Воҳидовнинг «Рашким» шеъри таҳлили.
28-билет.
1. Бадиий асар тилининг лексик ранг-баранглиги.
2. Махсус тасвирий воситаларнинг лирик, эпик ва драматик асардаги ўзига хослиги.
3. «Асрга татигулик кун» романида киритма эпизодлар
29-билет
1. Образнинг ижодкор эстетик идеалига кўра турлари (ижобий, салбий).

2. Танкидий реализм ва реализм методи.
3. «Жаннатга йул» асарининг жанрий хусусиятлари.
30-бет
1. Образнинг кенг ва тор маъноси.
2.Махсус тасвирий воситалар: тазод ва истиора.
3. Ҳозирги ўзбек ёзувчилари ижодида сайёр сюжетлар.
31-билет
1. Образнинг билвосита тасвирланишига кўра турлари (рамзий, мажозий).
2. Сарбаст ҳақида маълумот. Сарбастнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. «Ўн сакиз минг олам ошуби...» ғазали таҳлили.
32-билет
1. Конфликт ва унинг турлари.
2. Тилнинг махсус лексик ресурслари (синоним, антоним, омоним) ва уларнинг бадиий асардаги аҳамияти.
3.«Асрга татигулик кун» романида лирик чекиниш.
33-билет
1. Бадиий портрет ҳақида маълумот. Ташқи ва ички портрет.
2. Тажнисли қофия. Сажъ.
3. Мунис қитъалари таҳлили.
34-билет
1. Адабий жараён ҳақида маълумот.
2. Махсус тасвирий воситалар: жонлантириш ва мажоз.
3. «Абулфайзхон» – трагедия сифатида.
35-билет.
163. Бадиий адабиётнинг ғоявийлиги.
164. Сонет ҳақида маълумот. Ўзбек шеъриятида сонет.
165. «Жаннатга йул» асарида Йигит монологи таҳлили.
36-билет
1. Лирика ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Поэтик синтаксис, риторик сўроқ, риторик мурожаат.
3. Саёҳатнома жанрининг ўзига хос хусусиятлари.
37-билет
1. Эпос ва унинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Махсус тасвирий воситалар: параллеллизм ва анафора.
3. Чўлпоннинг «Кўнгил» ва «Халқ» шеърларида вазн ва қофия.
38-билет
1. Драматик турнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Анъана ва ижодийлик.
3. Бобур рубоийлари – лирик асар сифатида.
39-билет.
1. Оқ шеър, сочма шеър ва сарбаст шеър. Уларнинг қиёсий талқини.
2. Ижодий метод ҳақида маълумот.
3. Шеърий асарда мазмун ва шакл бирлигини шеър асосида изоҳланг.
40-билет.
1. Сатира ва юмор ҳақида маълумот.

2. Махсус тасвирий воситалар: такрор ва унинг турлари.
3. Қитъа жанри хусусиятларини Мунис қитъалари асосида изоҳланг.
41-билет.
1. Фантастик асарлар ҳақида маълумот.
2. Фард ва мустазод – лирик жанр сифатида.
3. Мураббаъ жанри хусусиятларини Муқимий мураббаълари мисолида изоҳланг.
42-билет
1. Адабиётшунослик – бадиий адабиёт ҳақидаги фан.
2. Махсус тасвирий воситалар: тамсил ва тадриж.
3. Мазмун ва шакл бирлигини А. Навоийнинг бир ғазали мисолида изоҳланг.
43-билет
1. Бадиий асар матнида монолог ва диалогнинг ўрни.
2. Банд тузилиши ва шеърий жанрлар.
4. «Ўтган кунлар» романида конфликт.
44-билет
1. Адабиётшунослик фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Махсус тасвирий воситалар: жонлантириш ва талмеҳ.
3. Миртемирнинг «Онажон» шеърида ритмни ҳосил этувчи унсурлар.
45-билет
1. Лирик, эпик ва драматик асарлар тилининг ўзига хослиги ҳақида нима дея оласиз?
2. Содда, қўшма, мураккаб ва аралаш вазн.
3. «Ўтган кунлар» романида пейзаж.
46-билет
1. Адабиётшунослик фанининг асосий ва ёрдамчи бўлимлари.
2. Махсус тасвирий воситалар: муболаға.
2. «Кеча ва кундуз романида тасвирий воситалар.
47 -билет
1. Муаллиф ва персонаж нутқининг ўзига хос жиҳатларини изоҳланг.
2. «Ўтган кунлар» романида характерлар.
3. Радиф ва унинг шеърий асардаги аҳамияти.
48-билет
1. Адабиёт назарияси – адабиётшуносликнинг бўлими сифатида.
2. Мумтоз қофия ва замонавий қофия.
3. Чўлпоннинг сюжет яратиш маҳорати.
49-билет
1. Ритм ҳақида маълумот.
2. Бадиий сўзнинг қудрати ҳақида айтилган қандай фикрларни биласиз?
3. «Ўтган кунлар» романида типлар.
50-билет
1. Адабиёт тарихи – адабиётшуносликнинг бўлими сифатида.
2. Махсус тасвирий воситалар: ҳусни таълил ва истиора.
3. «Ўтган кунлар» романида композиция.

51-билет

1. Бадиий услубнинг тилнинг бошқа услубларидан фарки.
2. Аруз – шеърий вазн сифатида.
3. Ш.Раҳмоннинг «Туркийлар» шеърида махсус тасвирий воситалар.

52-билет

1. Адабий танқид – адабиётшуносликнинг бўлими сифатида.
2. Аруз вазнида ҳижо – ритм ҳосил этувчи энг кичик бирлик сифатида.
3. Р.Парфининг «Она Туркистон» шеърида бадиий тасвир воситалари.

53-билет

1.Умумхалқ тили, адабий тил ва бадиий тил.
2.Махсус тасвирий воситалар: ружуъ ва муболаға.
3. «Ўтган кунлар» романида бадиий тасвир воситалари.

54-билет

1. Адабиётшунослик фанининг тарихий тадрижи.
2. Аруз баҳҳрлари.
3. Абдулла Қаҳҳор хикояларида характерлар.

55-билет.

1. Бадиий асарда интерьер.
2. Мумтоз қофия илмида ўзак қофия унсурлари.
3. «Ўтган кунлар» романида бадиий деталь.

56-билет

1. Ўзбек адабиётшунослигининг тарихий тадрижи.
2. Замонавий шеърият қофиялари ҳақида маълумот.
3. Навоийнинг бирор ғазалини қофия нуқтаи назаридан таҳлил қилинг.

57-билет

1. Бадиий адабиёт – сўз санъати.
2. Махсус тасвирий воситалар: муболаға ва тажнис.
3. «Ўтган кунлар» романида пролог ва эпилог.

58-билет

1. Бадиий адабиётнинг санъатнинг бошқа турларидан фарқи.
2. Ҳикоя – эпик жанр сифатида
3.Машраб мустазодларида бадиий тасвир воситалар.

59-билет

1. Бадиий асарда пейзаж.
2. Роман – эпик жанр сифатида.
3. «Асрга татигулик кун” романида бадиий персонажлар.

60-билет

1. Инсон – бадиий адабиётнинг бош предмети.
2. Бадиий асар тилининг лексик ранг-баранглиги.
3. «Ўтган кунлар» романида интерьер.

## *Тест вариантлари намуналари*

## I ВАРИАНТ

1. Адабиётшунослик бу…

А. Адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини инсон маънавий фаолиятининг махсус шакли сифатида таҳлил этувчи, адабиётнинг тараққиёт қонуниятлари, тур ва жанрларини, кишилик жамияти ривожидаги ўрни ва ролини, бадиий асарларни тадқиқ этиш метод ва принципларини, асарлар тузилишининг таркибий хусусиятларини, бадиий асар тили ва бошқа тасвирий воситаларни ўрганувчи фан.
В. Бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг ривожланиш қонуниятлари ва характерини, тараққиёт этапларини ўрганувчи фан.* С. Бирор халқнинг адабиёти, унинг юзага келиши, тараққиёт босқичлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этувчи фан. Д. Адабий жараённи, шу жараёнда яратилаётган бадиий асарларнинг ғоявий-эстетик қиммати, умумхалқ адабиётидаги ўрнини, муваффақият ва чекинишларни, адабий жараённинг йўналишларини аниқлаб, баҳолаб берувчи фан. Е. Бадиий асарлар ҳақидаги фан.
2. Сюжет нима?
А. Бадиий аарларнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро боғланган ва ривожланиб борувчи ҳаётий воқеалар системаси.* В. Ёзувчи танлаган ва тасвирлаган ҳаётий воқеалар, асарда қўйган ва ёритган асосий масалалар йиғиндиси, адабий асарга асос бўлган бош фикр ва мақсад. С. Бадиий асардаги қисмлар, образлар ва бадиий воситаларнинг муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашиши, уларнинг тасвирдаги мезони ва мувофиқлиги. Д. Экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация, ечим сингари унсурларнннинг йиғиндиси. Е. Ёзувчининг бадиий асарни яратишдан кўзда тутган бош мақсади, ўқувчига етказмоқчи бўлган гапи.
3. Қуйидаги таърифнинг муаллифини топинг: «Адабиёт – фикр, туйғуларимиздаги тўлқунларни сўзлар, гаплар ёрдами билан тасвир қилиб, бошқаларда ҳам худди шу тўлқунларни яратмоқдир».
А. Чўлпон. В. А. Саъдий. С. И. Султон. Д. Фитрат.* Е. Ойбек.
4. Қуйидагилардан қайси бири сюжет унсури ҳисобланмайди?
А. Эпилог. В. Ечим. С. Воқеалар ривожи. Д. Кульминация. Д. Лирик чекиниш.*
5. Образ асарда тутган ўрни ва вазифасига қараб қандай таснифланади?
А. Персонаж, бош образ, иккинчи даражали образ, характер, тип.* В. Ижобий ва салбий. С. Лирик, эпик, драматик. Д. Реалистик, романтик. Е. Барча жавоблар тўғри.
6. Лирик жанрлар қаторини топинг.
А. Роман, ҳикоя, драма. В. Шеърий роман, шеърий драма, достон. С. Насрий шеър, ғазал, оқ шеър.* Д. Баллада, масал, мусаммат. Е. В, С, Д.
7. Лирик чекиниш, лирик кириш, лирик хотима кўпроқ қайси жанрдаги асарларга хос?
А. Достон ва балладаларга.* В. Роман ва қиссаларга. С. Масал ва ғазалларга. Д. Драма ва трагедияларга. Е. Барча жавоблар тўғри.
8. Адабий турлар тўғри кўрсатилган қаторни топинг.

А. Лирик, эпик, паремик. В. Лирик, эпик, драматик.* С. Лирик, эпик, лиро-эпик. Д. Лирик, эпик, драматик, трагик.
9. Шарқ классик адабиётида адабий-танқидий фикрлар қайси шаклларда ифодаланган?
А. Мақола, мунозара, баҳс, тақриз каби жанрларда. В. Махсус адабий-танқидий асарларда. С. Достон, ва рисолаларда. Д. Адабий анжуманларда, бадиий асарлар таркибида, тазкираларда, тарихий-мемуар асарларда, «илми адаб»да.*
10. М. Горькийнинг фикрича, бадиий асарнинг биринчи элементи…
А.Сюжет. В.Тил.* С.Бадиий-тасвирий воситалар. Д./оя. Е.Барча жавоблар тўғри.
11. Жаҳон шеъриятида қандай шеърий вазнлар системасидан фойдаланилади?
А. Аруз, бармоқ ва сарбастдан. В. Антик ва силлабик вазнлар системасидан. С. Антик, силлабик, силлабо-тоник ва тоник вазнлар системасидан.* Д. Фақат бармоқдан.
12. Романнинг таърифини аниқланг.
А. У ёки бу шахс ҳаётининг маълум даври хроникал баён этиладиган, сюжет ва композицияси унча мураккаб бўлмаган, ҳаётий қамрови ҳам унча кенг бўлмаган ўрта эпик жанр. В. Тасвирнинг кўлами, сюжет ва композициянинг нисбатан соддалиги билан характерланадиган, ҳаётдан олинган бир эпизоднигина акс эттирадиган эпик жанр. С. Катта тарихий давр ёки йирик тарихий воқеаларни, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий курашларни акс эттирадиган, қаҳрамонлар тақдири бир-бирига боғланадиган йирик эпик асар. Д. Инсон ҳаётини бутун мураккаблиги билан ҳар томонлама ва тўлиқ аск эттирадиган, кўп планли сюжетга эга бўлган эпик жанр.* Е. Эпик ривоянинг ҳажм жиҳатидан кичик бир тури.
13. «…да воқеалар, характерлар, коллизия кулги фонида тасвирланади. Дастлаб Грецияда эрамиздан олдинги Y-YI асрларда юзага келган бўлиб, унинг асосчиси Аристофандир”. Нуқталар ўрнини тўлдиринг.
А. Драма. В. Пародия. С. Комедия.* Д. Эпиграмма. Е. Фельетон.
14. «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» асарининг муаллифи ким?
А. Аристотель. В. Гегель. С. Пушкин. Д. Белинский. Е. Фитрат.
15. Характерга берилган таърифни топинг.
А. Бадиий ижодда индивидул хусусиятлар асосида ҳар томонлама тўлиқ яратилган инсон образининг мукаммал тури.* В. Бирор социал гуруҳ, синф, халқ учун характерли хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, шу билан бирга индивид бўлган бадиий образ. С. Асарда иштирок этувчи иккинчи даражали шахслар. Д. Бадиий асарнинг марказида турган образ. Е. Ижодкорнинг ҳаётий кузатишлари асосида шаклланган, унинг бадиий тўқимасида акс этган, маълум ғояни ташувчи иносн ҳаётининг конкрет ва айни пайтда умумлашган тасвири.
16. Образ яратишнинг қайси йўллари бор?
А. Жамлаш ва прототип асосида.* В. Ижобий ва салбий. С. Юмористик ва сатирик. Д. Модернистик ва классик. Е. Фантастик ва реалистик.

17. Тугун билан ечим оралиғидаги сюжет қисми…
A. Эпилог дейилади. B. Пролог дейилади. C. Кульминация дейилади. Д. Воқелар ривожи дейилади.* E. Сюжет унсурлари дейилади..
18. Қандай асарларда конфликт бўлмайди?
A. Лирик асарларда. B. Ижтимоий ҳаётдаги зиддиятларни акс эттирмайдиган асарларда. C. Кичик ҳикояларда. Д. Конфликт барча бадиий асарларда бўлади.* E. Оқ шеърларда.
19. «Драма» сўзи қандай маънони англатади?
A. Ҳаракат.* B. Тамға, из. C. Нарса, мазмун. Д. Дастлаб румовий тилларида ёзилган асар. E. Тўқнашув.
20. Қуйидаги асарларнинг қайси бирида киритма эпизод учрамайди?
A. «Ўтган кунлар». B. «Оқ кема». C. «Асрга татигулик кун». Д. «Ошкора қотиллик қиссаси».* E. Бу асарларнинг барчасида киритма эпизод учрайди.
21. Адабиёт назарияси соҳасида хизмат кўрсатган олимлар қаторини топинг.
A. Т. Мирзаев, О. Сафаров, М. Жўраев. B. П. Шамсиев, Ҳ. Сулаймонов, В. Зоҳидов. C. Фитрат, И. Султон, Б. Саримсоқов.* Д. А. Алиев, Н. Каримов, Б. Қосимов. E. В. Абдуллаев, И. Ҳаққулов, Ҳ. Болтабоев.
22. «Шеърий нутқдаги муайян бўлакларнинг бирор тенг вақт ичида изчил ва бир ўлчовда такрорланишига…»
A. Ритм дейилади.* B. Радиф дейилади. C. Вазн дейилади. Д. Қофия дейилади. E. Консонанта дейилади.
23. Фабула нима?
A. Асардаги воқелар тасвирини секинлатувчи восита. B. Муаллифнинг асардаги асосий эпик воқелар тасвиридан чекииб, шу воқеалар таъсирида ўзида туғилган ҳис-туйғу, кечинмаларни ифодалаши. C. Ёзувчи тасвирлаётган воқеанинг ҳаётда қандай юз берганини кўрсатувчи «сюжет». Д. Асар воқеаларининг мантиқий жиҳатдан узвий боғлиқликдаги яхлит силсиласи.* E. Композицион восита.
24. Ремарка қандай асарларда учрайди?
A. Шеърий асарларда. B. Йирик воқеабанд асарларда. C. Насрий шеърларда. Д. Лиро-эпик асарларда. E. Драматик асарларда.*
25. Конфликтни илк маротаба рўёбга чиқарувчи, сюжетнинг ривожланишига туртки берувчи сюжет элементини аниқланг.
A. Пролог. Б. Экспозиция. C. Воқеалар ривожи. Д. Кульминация. E. Тугун.*
26. Дилим, дунё даъюсларидан
Қора терга ботган ғуломим.
Настариндай пок ҳисларидан
Туфдонларни қилган кулолим.
Юқоридаги шеърий парчанинг қофияланиш тартиби қандай?
A. Содда қофия. Б. Айланма қофия. C. Жуфт қофия. Д. Ажралмас қофия. E. Кесма қофия.*
27. Адабий йўналишга берилган тўғри таърифни топинг.
A. Маълум тарихий даврда ўз идеологияси ва тажрибаси билан бир-бирига яқин турган бир неча ёзувчилар ижодидаги ғоявий-бадиий хусусиятлар – тема, ғоя, бадиий тасвир принциплари.* B. Тарихан адибларнинг бир хил

қарашлар, манфаатлар, ғоялар негизида ташкил этилган ижодий уюшмалари. С. Адабий жараённинг, адабиётларнинг ўзаро бир-бири билан алоқа ва таъсир қилиб туришидан, бир адабиёт бадиий тажрибасини бошқа адабиёт томонидан ўзлаштиришдан иборат асосий қонуниятлардан бири. Д. Бирор буюк санъаткор ижодининг бошқа ёзувчилар учун бадиий маҳорат мактаби бўлиши. Е. Адабиёт тарихида адабий йўналиш эмас, адабий оқим деган тушунча мавжуд.

28. Ўзбек шеърияти қандай вазний системалар асосида яратилади?

А. Аруз, бармоқ ва сарбаст.* В. Силлабик вазний системалар. С. Силлабо-тоник вазний системалар. Д. Тоник вазний системалар. Е. Аруз ва бармоқ.

29. Роман жанрига кирадиган асарлар қаторини топинг.

А. «Ўтган кунлар», «Асрга татигулик кун», «Юлдузли тунлар».* В. «Меҳробдан чаён», «Ошкора қотиллик қиссаси», «Синчалак». С. «Евгений Онегин», «Жаннатга йўл», «Диёнат». Д. «Замонамиз қаҳрамони», «Саодат соҳили», «Акбар». Е. «Оқ кема», «Дунёнинг ишлари», «Америка фожиаси».

30. Махсус лексик ресурслар берилган қаторни топинг.

А. Жонлантириш, ўхшатиш, сифатлаш. В. Метафора, аллегория, эпитет. С. Архаизм, историзм, неологизм.* Д. Драма, сочма, сонет. Е. Конфликт, сюжет, композиция.

31. Нақадар гўзалдир бу жулдур қисмат,

Нақадар ширидир бу тахир ҳаёт. Ушбу шеърий парчада қандай тасвирий усул мавжуд?

А. Муболаға. В. Апострофа. С. Оксиморон.* Д. Телестих. Е. Метафора.

32. Ўзак қофия элементларини кўрсатинг.

А. Равий, қайд, дахил, таъсис.* В. Равий, мазид, нойира. С. Хуруж, мазид, нойира. Д. Фақат равийнинг ўзи. Е. Тўғри жавоб йўқ.

33. Образ яратишнинг муҳим шартларидан бирини аниқланг.

А. Диалоглардан фойдаланиш. В. Портрет.* С. Прототип. Д. Синекдоха. Е. Аллегория.

34. Асар воқеаси бўлиб ўтадиган жой, қаҳрамонларнинг конфликтгача бўлган пайтдаги қиёфаси, ҳолатини намоён этадиган вазият, ҳарт-шароит тасвири, ҳаракат учун фон вазифасини ўтовчи сюжет бўлагини топинг.

А. Тугун. В. Воқеалар ривожи. С. Кульминация. Д. Эпилог. Е. Экспозиция.*

35. Классицизмнинг тўлиқ эстетик асослари қайси асарда баён этилган?

А. Аристотель, «Поэтика». В. Гегель, «Эстетика». С. Буало, «Шеърий санъат».* Д. Рембо, «Маст кема». Е. Классицизмнинг эстетик асослари бир неча асарларда баён этилган.

36. Жанрга берилган таърифни топинг.

А. Бадиий асарларнинг ўзига хос композицион қурилишга, бадиий тасвир принциплари ва воситаларига, баён усулларига, ҳаётий қамров имкониятларига кўра туркуми.* В. Бадиий асарларнинг ҳаётий материални тасвирлаш характери ва унинг ҳал этилиши, воқеалар баёнининг ким томонидан олиб борилишига қараб ажратиладиган гуруҳи. С. Воқеликни ўзлаштириш ва уни бадиий қайта яратиш усули. Д. Сараланган фактларни

ижодий қайта яратиш жараёнида қўлланадиган ижодий хаёл. Е. Бадиий асардаги инкор этиш усулларидан бири бўлиб, бирор шахс ёки нарса устидан кесатиш, қочириқ воситасида кулиш.

## II ВАРИАНТ

1. Адабиёт назарияси бу…

А. Адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини инсон маънавий фаолиятининг махсус шакли сифатида таҳлил этувчи, адабиётнинг тараққиёт қонуниятлари, тур ва жанрларини, кишилик жамияти ривожидаги ўрни ва ролини, бадиий асарларни тадқиқ этиш метод ва принципларини, асарлар тузилишининг таркибий хусусиятларини, бадиий асар тили ва бошқа тасвирий воситаларни ўрганувчи фан.* В. Бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг ривожланиш қонуниятлари ва характерини, тараққиёт этапларини ўрганувчи фан. С. Бирор халқнинг адабиёти, унинг юзага келиши, тараққиёт босқичлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этувчи фан. Д. Адабий жараённи, шу жараёнда яратилаётган бадиий асарларнинг ғоявий-эстетик қиммати, умумхалқ адабиётидаги ўрнини, муваффақият ва чекинишларни, адабий жараённинг йўналишларини аниқлаб, баҳолаб берувчи фан. Е. Бадиий асарлар ҳақидаги фан.

2. Композиция нима?

А. Бадиий аарларнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро боғланган ва ривожланиб борувчи ҳаётий воқеалар системаси. В. Ёзувчи танлаган ва тасвирлаган ҳаётий воқеалар, асарда қўйган ва ёритган асосий масалалар йиғиндиси, адабий асарга асос бўлган бош фикр ва мақсад. С. Бадиий асардаги қисмлар, образлар ва бадиий воситаларнинг муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашиши, уларнинг тасвирдаги мезони ва мувофиқлиги.* Д. Экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация, ечим сингари унсурларнннинг йиғиндиси. Е. Ёзувчининг бадиий асарни яратишдан кўзда тутган бош мақсади, ўқувчига етказмоқчи бўлган гапи.

3. Қуйидаги таърифнинг муаллифини топинг: «Адабиёт – ҳаёт дарслигидир».

А. Гегель. В. Белинский. С. А. Саъдий. Д. Чернишевский.* Е. Ойбек.

4. Қуйидагилардан қайси бири сюжет унсури ҳисобланади?

А.Эпиграмма. В.Бадиий тўқима. С.Эпитафия. Д.Кульминация.* Д.Лирик чекиниш.

5. Образ жанрлар модификациясига кўра қандай турларга бўлинади?

А. Персонаж, бош образ, иккинчи даражали образ, характер, тип. В. Ижобий ва салбий. С. Лирик, эпик, драматик.* Д. Реалистик, романтик. Е. Барча жавоблар тўғри.

6. Эпик жанрлар қаторини топинг.

А. Роман, ҳикоя, қисса.* В. Шеърий роман, шеърий драма, достон. С. Насрий шеър, ғазал, оқ шеър. Д. Баллада, масал, мусаммат. Е. В, С, Д.

7. Киритма эизодлар кўпроқ қайси жанрдаги асарларга хос?

А. Достон ва балладаларга. В. Роман ва қиссаларга.* С. Масал ва ғазалларга. Д. Драма ва трагедияларга. Е. Барча жавоблар тўғри.

8. Аруз баҳрлари Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарига кўра нечта?

А. 16. В. 19.* С. 21. Д. 15. Е. 437.

9. Қадимги Шарқда яратилган Каюмарс, Жамшид, Митра, «Минг бир кеча»даги, «Фарҳод ва Ширин»даги девлар қандай образлар ҳисобланади?

А. Романтик. В. Символик. С. Афсонавий. Д. Лирик. Е. Мифологик.*

10.М. Горькийнинг фикрича, бадиий асарнинг иккинчи элементи…

А. Сюжетдир.* В. Тилдир. С. Бадиий-тасвирий воситалардир. Д. /оядир. Е. Барча жавоблар тўғри.

11.Хорей, трохей, дактиль, амфибрахий, анапест, Ямб… - бу терминлар нимани англатади?

А. Антик шеър тузилишидаги вазнларни. В. Антик шеър тузилишидаги ритмни. С. Антик шеър тузилишидаги стопаларни.* Д. Антитк шеър жанрларини. Е. Умуман антик шеъриятни.

12.Ҳикоянинг таърифини аниқланг.

А. У ёки бу шахс ҳаётининг маълум даври хроникал баён этиладиган, сюжет ва композицияси унча мураккаб бўлмаган, ҳаётий қамрови ҳам унча кенг бўлмаган ўрта эпик жанр. В. Тасвирнинг кўлами, сюжет ва композициянинг нисбатан соддалиги билан характерланадиган, ҳаётдан олинган бир эпизоднигина акс эттирадиган эпик жанр.* С. Катта тарихий давр ёки йирик тарихий воқеаларни, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий курашларни акс эттирадиган, қаҳрамонлар тақдири бир-бирига боғланадиган йирик эпик асар. Д. Инсон ҳаётини бутун мураккаблиги билан ҳар томонлама ва тўлиқ аск эттирадиган, кўп планли сюжетга эга бўлган эпик жанр. Е. Эпик ривоянинг ҳажм жиҳатидан кичик бир тури.

13.«…да бирор шахс ёки ижтимоий воқелик устидан қаттиқ кулинади. Дастлаб қадимги Грецияда меҳробларга, қаср пештоқларига, турли идишларга ёзилган шеърлар шу термин билан юритилган. Ҳажвий поэзия турларидан бири.» Нуқталар ўрнига керакли терминни қўйинг.

А. Драма. В. Пародия. С. Комедия. Д. Эпиграмма.* Е. Фельетон.

14. «Адабиёт қоидалари» асарининг муаллифи ким?

А. А. Саъдий. В. Чўлпон. С. Ойбек. Д. Белинский. Е. Фитрат.*

15. Типга берилган таърифни топинг.

А. Бадиий ижодда индивидул хусусиятлар асосида ҳар томонлама тўлиқ яратилган инсон образининг мукаммал тури. В. Бирор социал гуруҳ, синф, халқ учун характерли хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, шу билан бирга индивид бўлган бадиий образ.* С. Асарда иштирок этувчи иккинчи даражали шахслар. Д. Бадиий асарнинг марказида турган образ. Е. Ижодкорнинг ҳаётий кузатишлари асосида шаклланган, унинг бадиий тўқимасида акс этган, маълум ғояни ташувчи иносн ҳаётининг конкрет ва айни пайтда умумлашган тасвири.

16. Бадиий асардаги воқеалар ривожининг энг олий нуқтаси, иш-ҳаракат ва курашнинг ўта кескинлашган ўрни…

А. Эпилог дейилади. В. Пролог дейилади. С. Кульминация дейилади.* Д. Воқелар ривожи дейилади. Е. Сюжет унсурлари дейилади..

17. Конфликт нима?

А. Бадиий асар сюжети асосида, унда иштирок этувчилар ўртасидаги кураш замирида ётган келишмовчилик, ихтилоф, бошқача айтганда, бадиий асардаги ғоялар, характерлар, кайфиятлар ўртасидаги зиддиятлар.* В. Бадиий асардаги воқеалар ривожининг энг олий нуқтаси, иш-ҳаракат ва курашнинг ўта кескинлашган ўрни. С. Кичик ҳикоя. Д. Бадиий ижодда индивидул хусусиятлар асосида ҳар томонлама тўлиқ яратилган инсон образининг мукаммал тури. Е. Бадиий асарда қаҳрамоннинг ўз-ўзи билан кураши.
18. «Кульминацияа» сўзи қандай маънони англатади?
А. Чўққи.* В. Тамға, из. С. Нарса, мазмун. Д. Дастлаб румовий тилларида ёзилган асар. Е. Тўқнашув.
19. Қуйидаги асарларнинг қайси бирида киритма портрет учрамайди?
А. «Ўтган кунлар». В. «Оқ кема». С. «Асрга татигулик кун». Д. «Ошкора қотиллик қиссаси». Е. Бу асарларнинг барчасида портрет учрайди.*
20. Ҳажвий жанрларни аниқланг.
А. Роман, қисса. В. Комедия, эпиграмма.* С. /азал, мухаммас. Д. Драма, новелла. Е. Фельетон, трагедия.
21. «Қофиядан кейин такрорланиб келадиган сўз ёки сўзлар бирикмасига …»
А. Ритм дейилади. В. Радиф дейилади.* С. Вазн дейилади. Д. Қофия дейилади. Е. Консонанта дейилади.
22. Лирик чекиниш нима?
А. Асардаги воқелар тасвирини секинлатувчи восита. В. Муаллифнинг асардаги асосий эпик воқелар тасвиридан чекиииб, шу воқеалар таъсирида ўзида туғилган ҳис-туйғу, кечинмаларни ифодалаши.* С. Ёзувчи тасвирлаётган воқеанинг ҳаётда қандай юз берганини кўрсатувчи «сюжет». Д. Асар воқеаларининг мантиқий жиҳатдан узвий боғлиқликдаги яхлит силсиласи. Е. Композицион восита.
23. Эпик баён қандай асарларда учрайди?
А. Туюқларда. В. Йирик воқеабанд асарларда.* С. Насрий шеърларда. Д. Фардларда. Е. Драматик асарларда.
24. Адабий асардаги муаллиф ниятини, асаргача бўлган воқеаларни қисқача баён этувчи муқаддима…
А. Пролог.* Б. Экспозиция. С. Воқеалар ривожи. Д. Кульминация. Е. Тугун.
25. Сизга ташланмади, оҳ, не-не зотлар,
Улар ҳар мўминга ташланар эди,
Ташланмаса, дили ғашланар эди,
Улар пучак жонлар, аҳли бедодлар.
Юқоридаги шеърий парчанинг қофияланиш тартиби қандай?
А. Содда қофия. Б. Айланма қофия.* С. Жуфт қофия. Д. Ажралмас қофия. Е. Кесма қофия.
26. Адабий таъсир ва алоқалар – бу…
А. Маълум тарихий даврда ўз идеологияси ва тажрибаси билан бир-бирига яқин турган бир неча ёзувчилар ижодидаги ғоявий-бадиий хусусиятлар – тема, ғоя, бадиий тасвир принциплари. В. Тарихан адибларнинг бир хил қарашлар, манфаатлар, ғоялар негизида ташкил этилган ижодий уюшмалари. С. Адабий жараённинг, адабиётларнинг ўзаро бир-бири билан муносабатда

бўлишидан, бир адабиёт бадиий тажрибасини бошқа адабиёт томонидан ўзлаштиришдан иборат асосий қонуниятлардан бири.* Д. Бирор буюк санъаткор ижодининг бошқа ёзувчилар учун бадиий маҳорат мактаби бўлиши. Е. Адабиёт ва санъатнинг бирор тарихий тараққиёт босқичида бадиий ижодга хос бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган бир қанча барқарор хусусиятлари, асосий восита ва принциплари.

27. Ўзбек шеъриятига қайси вазн бошқаларига нисбатан кечроқ кириб келган?

А. Аруз.* В. Бармоқ. С. Сарбаст. В. Аруз ва бармоқ. Е. Бармоқ ва сарбаст.

28. Қисса жанрига кирадиган асарлар қаторини топинг.

А. «Ўтган кунлар», «Асрга татигулик кун», «Юлдузли тунлар». В. «Меҳробдан чаён», «Ошкора қотиллик қиссаси», «Синчалак». С. «Евгений Онегин», «Жаннатга йўл», «Диёнат». Д. «Замонамиз қаҳрамони», «Саодат соҳили», «Акбар». Е. «Синчалак», «Оқ кема», «Дунёнинг ишлари».*

29. Адабий жанрларнинг номлари берилган қаторни топинг.

А. Жонлантириш, ўхшатиш, сифатлаш. В. Метафора, аллегория, эпитет. С. Архаизм, историзм, неологизм. Д. Драма, сочма, сонет.* Е. Конфликт, сюжет, композиция.

30. Шеърим, яна ўзинг яхшисан,

Боққа кирсанг, гуллар шарманда. Ушбу шеърий парчада қандай тасвирий усул мавжуд?

А. Муболаға. В. Апострофа.* С. Оксиморон. Д. Телестих. Е. Метафора.

31. Қофиянинг маркази бўлган қофия элементни кўрсатинг.

А. Равий, қайд, дахил, таъсис. В. Равий, мазид, нойира. С. Хуруж, мазид, нойира. Д. Фақат равийнинг ўзи.* Е. Тўғри жавоб йўқ.

32. Драматик асар яратишнинг асосий шартларидан бирини аниқланг.

А. Диалоглардан фойдаланиш.* В. Муболаға. С. Прототип. Д. Синекдоха. Е. Аллегория.

33. Бадиий асарда асосий воқеалардан сўнг келиб, асар қаҳрамонларининг кейинги тақдири ҳақида ихчам, лунда хабар берувчи қисм – бу..

А. Тугун. В. Воқеалар ривожи. С. Кульминация. Д. Эпилог.* Е. Экспозиция.

34. Адабиётшунослик соҳасидаги дастлабки асарлардан бирини топин.

А. Аристотель, «Поэтика».* В. Гегель, «Эстетика». С. Буало, «Шеърий санъат». Д. Рембо, «Маст кема». Е. Классицизмнинг эстетик асослари бир неча асарларда баён этилган.

35. Қофия нима?

А. Шеърий мисралардаги ҳижолар тенглиги. В. Шеърий мисралар охиридаги оҳангдош сўзлар. С. Шеърий мисралар ичида ҳижоларнинг ўзига хос тартибда гуруҳланиб келиши.* Д. Шеърий мисранинг ўртасида паузанинг тўғри келиши. Е. Шеърий мисра таркибидаги синтагмалар.

36. Адабий тур тушунчасига берилган таърифни топинг.

А. Бадиий асарларнинг ўзига хос композицион қурилишга, бадиий тасвир принциплари ва воситаларига, баён усулларига, ҳаётий қамров имкониятларига кўра туркуми. В. Бадиий асарларнинг ҳаётий материални

тасвирлаш характери ва унинг ҳал этилиши, воқеалар баёнининг ким томонидан олиб борилишига қараб ажратиладиган гуруҳи.* С. Воқеликни ўзлаштириш ва уни бадиий қайта яратиш усули. Д. Саралланган фактларни ижодий қайта яратиш жараёнида қўлланадиган ижодий хаёл. Е. Бадиий асардаги инкор этиш усулларидан бири бўлиб, бирор шахс ёки нарса устидан кесатиш, қочириқ воситасида кулиш.

**III ВАРИАНТ**

1. Адабиёт тарихи бу…

А. Адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини инсон маънавий фаолиятининг махсус шакли сифатида таҳлил этувчи, адабиётнинг тараққиёт қонуниятлари, тур ва жанрларини, кишилик жамияти ривожидаги ўрни ва ролини, бадиий асарларни тадқиқ этиш метод ва принципларини, асарлар тузилишининг таркибий хусусиятларини, бадиий асар тили ва бошқа тасвирий воситаларни ўрганувчи фан.

В. Бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг ривожланиш қонуниятлари ва характерини, тараққиёт этапларини ўрганувчи фан. С. Бирор халқнинг адабиёти, унинг юзага келиши, тараққиёт босқичлари, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этувчи соҳа.* Д. Адабий жараённи, шу жараёнда яратилаётган бадиий асарларнинг ғоявий-эстетик қиммати, умумхалқ адабиётидаги ўрнини, муваффақият ва чекинишларни, адабий жараённинг йўналишларини аниқлаб, баҳолаб берувчи соҳа. Е. Бадиий асарлар ҳақидаги фан.

2. Бадиий асар мавзуси нима?

А. Бадиий аарларнинг бевосита мазмунини ташкил этган, ўзаро боғланган ва ривожланиб борувчи ҳаётий воқеалар системаси. В. Ёзувчи танлаган ва тасвирлаган ҳаётий воқеалар, асарда қўйган ва ёритган асосий масалалар йиғиндиси, адабий асарга асос бўлган бош фикр ва мақсад.* С. Бадиий асардаги қисмлар, образлар ва бадиий воситаларнинг муайян ғоявий мақсадга хизмат қиладиган тартибда жойлашиши, уларнинг тасвирдаги мезони ва мувофиқлиги. Д. Экспозиция, тугун, воқеалар ривожи, кульминация, ечим сингари унсурларнннинг йиғиндиси. Д. Ёзувчининг бадиий асарни яратишдан кўзда тутган бош мақсади, ўқувчига етказмоқчи бўлган гапи.

3. Қуйидаги таърифнинг муаллифини топинг: «Адабиёт – ҳар бир миллатнинг ҳисли кўнгил тарихининг энг қоронғу хоналарида маишат(тирикчилик)нинг кетишига қараб ҳар хил тусда ва рангда етишган, файзли тил бирла тақдир этула олмайдурғон бир гулдир».

А. Фитрат. В. Белинский. С. А. Саъдий. Д. Фитрат.* Е. Ойбек.

4. Қуйидагилардан қайси бири жанр ҳисобланади?

А. Эпиграмма.* В. Эпилог. С. Эпитафия. Д. Кульминация. Д. Коллизия.

5. Образ ёзувчининг ҳаётни тасдиқлаши ёки инкор этишига кўра қандай турларга бўлинади?

А. Персонаж, бош образ, иккинчи даражали образ, характер, тип. В. А. Ижобий ва салбий.* С. Лирик, эпик, драматик. Д.Реалистик, романтик. Е. Барча жавоблар тўғри.

6. Лиро-эпик жанрлар қаторини топинг.
А. Роман, ҳикоя, қисса. В. Шеърий роман, масал, достон.* С. Насрий шеър, ғазал, оқ шеър. Д. Баллада, масал, мусаммат.   Е. В, С, Д.
7. Киритма эпизодлар кўпроқ қайси жанрдаги асарларга хос?
А. Достон ва балладаларга. В. Роман ва қиссаларга.* С. Масал ва ғазалларга. Д. Драма ва трагедияларга. Е. Барча жавоблар тўғри.
8. Аруз баҳрлари Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарига кўра нечта?
А. 16. В. 19.* С. 21. Д. 15. Е. 437.
9. Адабиётнинг бош предмети нима?
А. Ижтимоий ҳаёт. В. Табиат. С. Худолар, ҳайвонот дунёси. Д. Буюмлар, жисмлар, нарсалар. Е. Инсон.
10. А. Фитратнинг фикрича, асар яратиш…
А. Мавзу танлашдан бошланади. В. Тилак(ғоя)нинг туғилишидан бошланади.* С. Мундарижа (сюжет)тузишдан бошланади. Д. Мундарижани тартиб беришдан (композиция тузишдан) бошланади. Е. Тўғри жавоб йўқ.
11. Рамал, ражаз, ҳазаж, мутадорик, мутақориб… – бу терминлар нимани англатади?
А. Аруздаги ҳижоларни. В. Аруздаги рукнларни. С. Аруздаги баҳрларни.* Д. Аруздаги доираларни. Е. Умуман аруз вазнини.
12. Қиссага берилган таърифини аниқланг.
А. У ёки бу шахс ҳаётининг маълум даври хроникал баён этиладиган, сюжет ва композицияси унча мураккаб бўлмаган, ҳаётий қамрови ҳам унча кенг бўлмаган ўрта эпик жанр.* В. Тасвирнинг кўлами, сюжет ва композициянинг нисбатан соддалиги билан характерланадиган, ҳаётдан олинган бир эпизоднигина акс эттирадиган эпик жанр. С. Катта тарихий давр ёки йирик тарихий воқеаларни, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий курашларни акс эттирадиган, қаҳрамонлар тақдири бир-бирига боғланадиган йирик эпик асар. Д. Инсон ҳаётини бутун мураккаблиги билан ҳар томонлама ва тўлиқ аск эттирадиган, кўп планли сюжетга эга бўлган эпик жанр. Е. Эпик ривоянинг ҳажм жиҳатидан кичик бир тури.
13. «… асосида келиштириб бўлмайдиган зиддият ётади, бу зиддиятнинг оқибати фожиа билан тугайди. Конфликт жуда шиддатли, кескин бўлади, у ҳамма вақт ижтимоий-сиёсий тараққиёт, инсониятнинг илғор маънавий ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Бу жанрда инсон маиший ҳаётининг, тарихий тараққиётининг муҳим масалалари фалсафий тарзда ҳал этилади». Нуқталар ўрнига керакли терминни қўйинг.
А. Драма. В. Пародия. С. Комедия. Д. Трагедия.* Е. Роман.
14. «Адабий орзулар» асарининг муаллифи ким?
А. А. Саъдий. В. Чўлпон. С. Ойбек. Д. Белинский.* Е. Фитрат.
15. Образга берилган таърифни топинг.
А. Бадиий ижодда индивидул хусусиятлар асосида ҳар томонлама тўлиқ яратилган инсон образининг мукаммал тури. В. Бирор социал гуруҳ, синф, халқ учун характерли хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган, шу билан бирга индивид бўлган шахс тимсоли. С. Асарда иштирок этувчи иккинчи даражали шахслар. Д. Бадиий асарнинг марказида турган образ. Е.

Ижодкорнинг ҳаётий кузатишлари асосида шаклланган, унинг бадиий тўқимасида акс этган, маълум ғояни ташувчи иносн ҳаётининг конкрет ва айни пайтда умумлашган тасвири.*

16. «Драматик поэзиянинг олий босқичи ва гултожи» (Белинский) бўлган жанрни аниқланг.

А. Трагедия.* В. Драма. С. Комедия. Д. Водевиль. Е.А, В, С.

17. Бадиий асар асосида ётувчи конфликтнинг ҳал этилиши, мантиқий якуни…

А. Эпилог дейилади. В. Пролог дейилади. С. Кульминация дейилади. Д. Воқелар ривожи дейилади. Е. Ечим дейилади..*

18. Тенденциозлик нима?

А. Бадиий асар сюжети асосида, унда иштирок этувчилар ўртасидаги кураш замирида ётган келишмовчилик, ихтилоф, бошқача айтганда, бадиий асардаги ғоялар, характерлар, кайфиятлар ўртасидаги зиддиятлар. В. Бадиий асардаги воқеалар ривожининг энг олий нуқтаси, иш-ҳаракат ва курашнинг ўта кескинлашган ўрни. С. Кичик ҳикоя. Д. Бадиий ижодда индивидул хусусиятлар асосида ҳар томонлама тўлиқ яратилган инсон образининг мукаммал тури. Е. Бадиий асарнинг ғоявий йўналиши, китобхонни маълум фикр ва туйғулар билан шу ғоявий йўналишга, эътиқодга ишонтиришга интилиш; салбий маънода тарафкашлик, ўқувчни бир ёқлама, сохта фикрларга ишонтиишга ҳаракат қилиш.*

19. «Сюжет» сўзи қандай маънони англатади?

А. Чўққи. В. Тамға, из. С. Нарса, мазмун.* Д. Дастлаб румовий тилларида ёзилган асар. Е. Тўқнашув.

20. Фантастик жанрларни аниқланг.

А. Роман, қисса. В. Драма, комедия. С. Ҳикоя, достон. Д. Новелла, трагедия. Е. Бу жанрларнинг барчаси фантастик бўлиши мумкин.*

21. «Бирор бадиий асардаги образ учун асос бўлган тарихий шахсга…»

А. Тип дейилади. В. Прототип дейилади.* С. Характер дейилади. Д. Образ дейилади. Е. Консонанта дейилади.

22. Бадиий тўқима нима?

А. Асардаги воқелар тасвирини секинлатувчи восита. В. Муаллифнинг асардаги асосий эпик воқелар тасвиридан чекиииб, шу воқеалар таъсирида ўзида туғилган ҳис-туйғу, кечинмаларни ифодалаши. С. Ёзувчи тасвирлаётган воқеанинг ҳаётда қандай юз берганини кўрсатувчи «сюжет». Д. Асар воқеаларининг мантиқий жиҳатдан узвий боғлиқликдаги яхлит силсиласи. Е. Ҳақиқатда бўлмаган, аммо бўлиши мумкин бўлган ҳаётий воқеалар, образлар, ижодий хаёл.*

23. Жинсдош сўзлардан фойдаланиш кўпроқ қандай асарнинг асосий хусусияти бўлиб ҳисобланади?

А. Туюқларнинг.* В. Йирик воқеабанд асарларнинг. С. Насрий шеърларнинг. Д. Фардларнинг. Е. Драматик асарларнинг.

24. Адабий асарда берилган кишининг ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги, ўзини тутиши кабилар – бу…

А. Пролог дейилади. Б. Экспозиция дейилади. С. Портрет дейилади. Д. Кульминация дейилади. Е. Тугун дейилади.

25. Билмасман, қайдадир менга ибтидо,
Билмасман, қайдадир менга интиҳо.
Асрлар қаъридан ўтаман сокин,
Менга бари бирдир – ким қул, ким ҳоким.

Юқоридаги шеърий парчанинг қофияланиш тартиби қандай?

А. Содда қофия. Б. Айланма қофия. С. Жуфт қофия.* Д. Ажралмас қофия. Е. Кесма қофия.

26. Ижодий метод – бу…

А. Маълум тарихий даврда ўз идеологияси ва тажрибаси билан бир-бирига яқин турган бир неча ёзувчилар ижодидаги ғоявий-бадиий хусусиятлар – тема, ғоя, бадиий тасвир принциплари. В. Тарихан адибларнинг бир хил қарашлар, манфаатлар, ғоялар негизида ташкил этилган ижодий уюшмалари. С. Адабий жараённинг, адабиётларнинг ўзаро бир-бири билан муносабатда бўлишидан, бир адабиёт бадиий тажрибасини бошқа адабиёт томонидан ўзлаштиришдан иборат асосий қонуниятлардан бири. Д. Бирор буюк санъаткор ижодининг бошқа ёзувчилар учун бадиий маҳорат мактаби бўлиши. Е. Адабиёт ва санъатнинг бирор тарихий тараққиёт босқичида бадиий ижодга хос бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган бир қанча барқарор хусусиятлари, асосий восита ва принциплари.*

27. Ўзбек шеъриятига қайси вазн бошқаларига нисбатан барвақт пайдо бўлган?

А. Аруз. В. Бармоқ. С. Сарбаст.* В. Аруз ва бармоқ. Е. Бармоқ ва сарбаст.

28. Достон жанрига кирадиган асарлар қаторини топинг.

А. «Ўтган кунлар», «Асрга татигулик кун», «Юлдузли тунлар». В. «Меҳробдан чаён», «Ошкора қотиллик қиссаси», «Синчалак». С. «Евгений Онегин», «Жаннатга йўл», «Диёнат». Д. «Замонамиз қаҳрамони», «Саодат соҳили», «Акбар». Е. «Руҳ билан суҳбат», «Сурат», «Фарҳод ва Ширин».*

29. Ўхшатиш асосидаги кўчим – бу…

А. Жонлантириш дейилади. В. Сифатлаш дейилади. С. Метафора дейилади.* Д. Аллегория дейилади. Е. Метонимия дейилади.

30. Тикон кирса кафингға кийнасидин,
Чиқорсам эрди киприк игнасидин. Ушбу шеърий парчада қандай тасвирий усул мавжуд?

А. Муболаға.* В. Ташбеҳ. С. Иштиқоқ. Д. Радд-ус-садр ил-ал-ибтидо. Е. Таъсис.

31. Қўшимча қофия элементларини аниқланг

А. Равий, қайд, дахил, таъсис. В. Равий, мазид, нойира. С. Васл, хуруж, мазид, нойира.* Д. Фақат равийнинг ўзи. Е. Тўғри жавоб йўқ.

32. Эпик асар яратишнинг асосий шартларидан бирини аниқланг.

А. Диалоглардан фойдаланиш. В. Муболаға. С. Прототип. Д. Сюжет тузиш.* Е. Аллегория.

33. «Ҳар бир банди ғазал усулида қофияланиб, жуфт қофияланган сўнгги байт барча бандларнинг охирида худди нақоратдай ўзгаришсиз қайтарилса – бу…»

А. Таржиъбанд жанри ҳисобланади. В. Таркиббанд жанри ҳисобланади. С. Мусаммат жанри ҳисобланади. Д. Мустазод жанри ҳисобланади. Е. Мухаммас жанри ҳисобланади.

34. Бадиий услуб нима?

А. Ҳаёт воқеа-ҳодисаларни саралаб олиш ва тасвирлаш. В. Ёзувчилар асосланадиган эстетик принципларнинг умумийлиги. С. Ёзувчи асосланаддиган бадиий-тасвирий воситаларнинг турлари. Д. Ёзувчиларнинг бир-бирига яқинлаштирувчи усул ва воситалар. Е. Ҳар бир санъаткорнинг ўзигагина хос ғоявий-бадиий хусусиятлар йиғиндиси.*

35. Сочма экспозиция қандай бўлади?

А. Асар бошидаги экспозиция. В. Асар охиридаги экспозиция. С. Сюжетнинг турли ўринларида берилган экспозиция. Д. Конфликтнинг бошланишига сабаб бўлувчи воқеа. Е. Экспозициянинг бундай кўриниши мавжуд эмас.

36. Ирония тушунчасига берилган таърифни топинг.

А. Бадиий асарларнинг ўзига хос композицион қурилишга, бадиий тасвир принциплари ва воситаларига, баён усулларига, ҳаётий қамров имкониятларига кўра туркуми. В. Бадиий асарларнинг ҳаётий материални тасвирлаш характери ва унинг ҳал этилиши, воқеалар баёнининг ким томонидан олиб борилишига қараб ажратиладиган гуруҳи. С. Воқеликни ўзлаштириш ва уни бадиий қайта яратиш усули. Д. Сараланган фактларни ижодий қайта яратиш жараёнида қўлланадиган ижодий хаёл. Е. Бадиий асардаги инкор этиш усулларидан бири бўлиб, бирор шахс ёки нарса устидан кесатиш, қочириқ воситасида яширин кулиш.*

## ЗАРУРИЙ ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.


1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар, Т., «Янги аср авлоди», 2001.
2. Каримов И. Жамиятимизнинг мафкураси халқни халқ, миллатни милат қилишга хизмат этсин, «Тафаккур» журнали, 2-сон, 1998.
3. Адабиёт назарияси. Икки томлик. – Т.: Фан, 1979.
4. Абдуғафуров А. Шоир қитъалари//Ўзбекистон маданияти. – 1968. – 20 август.
5. Абдуқодиров А. Аруздан беш дарс. – Хўжанд, Р. Жалил номидаги Давлат нашриёти, 2001.
6. Абдуқодиров А. Бармоқ тизими таълими. – Хўжанд, Р. Жалил номидаги Давлат нашриёти, 2001.
7. Адабий турлар ва жанрлар. – Т.: Фан,1981.
8. Абу Наср Фаробий. Шеър санъати. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
9. Аристотель. Поэтика. – Т., 1980.
10. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. – Т., 1981.

11. Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар. – Бухоро, 1997.
12. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. – М., 1975.
13. Бахтин М. Эстетика словесного творчества. – М., 1979.
14. Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. – М., 1963.
15. Белинский В. Адабий орзулар. – Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967.
16. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 560 б.
17. Бобоев Т. Адабиётшуносликка кириш, Т., «Ўқитувчи» 1979.
18. Бобоев Т. Ўзбек шеър тузилиши асосларини ўрганиш. – Т.: 1991.
19. Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.
20. Бобур. Мухтасар. – Т.: Фан, 1971.
21. Буало Н. Поэтическое искусство. – М., 1957.
22. Веселовский А. Историческая поэтика. – Л., 1940.
23. Виноградов В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1963.
24. Горький М. Адабиёт ҳақида. – Т., 1988.
25. Жирмунский В. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Л., 1977.
26. Жовтис А. От чего не свободен свободный стих?//Вопросы литературы. – 1972. - № 2.
27. Иброҳимов М. Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топиши. – Т.: Фан, 1983.
28. Иброҳимов М. Кичик поэтик жанрлар ва уларнинг услубий хусусиятлари//Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услуб ранг-баранглиги. – Т.: Фан, 1983. – 154-193-б.
29. Иброҳимов М. Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топиши. – Т.: Фан, 1983.
30. Исҳоқов Ё. Навоий ижодида рубоий жанри//Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – 1968. - № 9.
31. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т., 1984.
32. Камол Ж. Лирик жанрлар масаласи//Ўзбек тили ва адабиёти. – 1976. - № 6. – 7-12-б.
33. Каримов Н. Шеърий шакллар ва услубий йўналишлар//Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. – Т.: Фан, 1983.
34. Квятковский А. Поэтический словарь. – М.: 1966.
35. Ковалёв Вл. Поэтика Льва Толстого. – М., 1983.
36. Литературный энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1987.
37. Лихачёв Д. Поэтика древнерусской литературы. – М., 1979.
38. Мажидий Р. Ўзбек шеър тузилишининг баъзи масалалари ҳақида// Шарқ юлдузи. – 1957. - № 4.
39. Маяковский В. Как делать стихи?//ПСС. Т. XII – М.: 1959.
40. Меликов Т. Назым Хикмет и новая поэзия Турции. – М.: Наука, 1987.

41.Мирзозода Ҳ. Рудакий ва такаммулоти шакле назми рубойи// Рудакий ва замони ў. – Душанбе.: 1958.
42.Носиров О., Жамолов С., Зиёвиддинов М. Ўзбек классик адабиёти жанрлари. – Т.: 1979.
43.Олимов М. Рисолаи аруз. – Т.: Ёзувчи, 2002.
44.Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзияси жанрларининг генеологияси масаласига доир//Адабий мерос.–1991. № 4 (58). – 35-44-б.
45.Орзибеков Р. Лирикада кичик жанрлар. – Т.: 1976.
46.Орзибеков Р. Шеърий санъатлар таҳлили. – Самарқанд, 2000.
47.Потебня А. Эстетика и поэтика. – М., 1976.
48.Ражабов Д. Бадиий образ ва ритм табиати. – Бухоро, 2002.
49.Раҳмонов В. Шеър санъатлари. – Ленинобод, 1972.
50.Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. – Л.: Наука, 1974.
51.Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972.
52.Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т., 1987.
53.Саримсоқов Б. Ўзбек шеър системалари ҳақида//Ўзбек тили ва адабиёти. – 1988. - № 5.
54.Саримсоқов Б. Бадиийлик мезонлари ва асослари.     - Т., 2003.
55.Султонов И. Адабиёт назарияси, Т.  Ўқитувчи, 1980.
56.Тимофеев Л. Слово в стихе. – М.: Советский писатель, 1982.
57.Тынянов Ю. Поэтика. История литературы. Кино. – М., 1977.
58.Тўйчиев У. Арузшуносликка доир. – Т.: Фан, 1973.
59.Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985.
60.Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Университет, 2000.
61.Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Т.: Шарқ, 2002.
62.Умуров Х. Адабий тур ва жанрларнинг қонун-қоидалари. – Самарқанд, 2002.
63.Умуров Ҳ.. Маънавият ва бадиият, С. Суғдиёна, 1998.
64.Умуров Ҳ. Бадиий ижод мўъжизалари, С. Зарафшон, 1992.
65.Умуров Ҳ. Таҳлил санъати, Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978.
66.Фалсафа. Т. 1999,
67.Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
68.Фитрат А. Аруз ҳақида. – Т.: Еқитувчи, 1997.
69.Философский словарь. – М., 1987.
70.Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш, Т., «Ўқитувчи», 1995.
71.Шамс Қайс Розий. Ал-мўъжам. – Душанбе, 1984.
72.Шарифов Х. Каломи бадеъ. – Душанбе, 1991.
73.Шодиев Э. Адонинг рубоий-мустазодлари//Ўзбек тили ва адабиёти. – 1972. - № 2. – 63-69-б.
74.Шукуров Н. ва бошқалар. Адабиётшуносликка кириш, Т., «Ўқитувчи», 1979.

75. Шукуров Н., Ҳотамов Н., Холматов Ш., Маҳмудов М.. Адабиётшуносликка кириш, Т., «Ўқитувчи», 1984.
76. Энциклопедический словарь юного литературоведа.–М.:Педагогика, 1988.
77. Қобуснома. Т.,1968.
78. Ҳаққулов И. Рубоий ҳақида баъзи мулоҳазалар//Ўзбек тили ва адабиёти. – 1974. - № 6. – 17-73-б.
79. Ҳожиаҳмедов А. Матн масъулияти//Шарқ юлдузи. – 1988. - № 12. – 197-200-б.
80. Ҳожиаҳмедов А. Огаҳий рубоийларининг вазн хусусиятлари// Адабий мерос. – 1986. - № 3 (37). – 28-35-б.
**81.** Ҳотамов Н., Б. Саримсоқов Б.. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати, Т., «Ўқитувчи».